«ГЕНЕРАЛ»НИНГ БЕҒУБОР ҲАЗИЛИ ◀◀ 8

9 ▶▶ НАВОИЙ ҲАРБИЙЛАР ҲАҚИДА НИМА ДЕГАН?

WWW.MV-VATANPARVAR.UZ
VATAN@EVO.UZ

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефон орқали сканер қилинг.

2020 йил 7 февраль, № 6 (2861)

МАҲОРАТ СИНОВДАН ЎТГАН МАШҒУЛОТ

▶▶ 6-7

O'ZBEKISTON

HAFTA ICHIDA

● Президентимиз Шавкат Мирзиёев 3 февраль куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Майкл Ричард Помпеони қабул қилди.

Майкл Помпео Ўзбекистон Президенти томонидан мамлакатда олиб борилаётган демократик янгиланишлар ва иқтисодий ислоҳотларнинг натижадорлигини юксак баҳолади.

● Давлатимиз раҳбари билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган 58 нафар фуқарони афв этиш тўғрисидаги фармонни имзолади.

● 2020 йилдан Ўзбекистонда пахтага давлат буюртмаси бекор қилинади ва ҳокимлар пахта билан шуғулланмайди. 4 февраль куни Шавкат Мирзиёев ана шундай топшириқ берган.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИДАН

ИҚТИБОС

Уруш йилларида халқимиз кўрсатган ҳақиқий жасорат ва матонатни кино, театр санъати, бадиий-публицистик асарлар, илмий тадқиқотлар орқали кўрсатиш, аҳоли, айниқса, ёшларимизга таъсирчан тарзда етказиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида муҳташам «Ғалаба боғи» бунёд этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Хотира ва Қадрлаш куни ва Ғалабанинг 75 йиллигини ҳар томонлама муносиб ва юқори савияда нишонлаш учун тайёргарлик ишларини пухта ташкил этишимиз керак.

3 ОТАНИНГ УШАЛГАН ОРЗУСИ
12 «НЕЧУН У АЙРИЛМИШ ҲАЛОВАТИДАН?..»
14 ОШИҚ ОЛИМ ВА ЖОСУС ХОНИМ ҚИССАСИ
18 ЎЗБЕК БОКСИНИНГ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАСИ
20 ҲАРБИЙ-ТИББИЙ ТАЪМИНОТ: РИВОЖЛАНИШ РЕЖАСИ АМАЛДА

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнгги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг: t.me/mudofaa_press facebook.com/UzArmiya instagram.com/uzbekistanarmy

КОНФЕРЕНЦИЯ

ЯНГИЛАНГАН НИЗОМ: ҲАРБИЙЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги анжуманлар залида Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан пресс-конференция ўтказилди. Унда вазирлик масъул офицерлари, Тошкент шаҳар ва вилояти мудофаа ишлари бошқармалари бошлиқлари ҳамда юртимиздаги нуфузли оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Конференцияда даставвал сўз олган Мудофаа вазирлиги бош бошқарма бошлиғи полковник Фарҳод Шерматов 2019 йилнинг 12 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг мазмун-моҳиятини очиб берди.

Янги таҳрирдаги низомда мамлакатимизда ҳарбий хизмат нуфузини юксалтириш ва Қуролли Кучларимиз жанговар шайлигини янада ошириш мақсадида қўшин турларини ёш, шижоатли, ватанпарвар, садоқатли ва интеллектуал салоҳиятли ёшлар билан бутлаш, контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиш, ҳарбий хизматни ўташ жараёни, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ва ҳарбий хизматдан резервга бўшатиш тартиби билан боғлиқ кўплаб масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Ривожланган хорижий давлатлар амалиётини ўрганиш, йиллар давомида ҳарбий хизматни ўташ тартиби йўналишида вужудга келган муаммолар, тўпланган ҳаётий тажриба ва хизмат амалиётини инобатга олган ҳолда янгиланган низом лойиҳаси 80 % га ўзгартирилди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, янги таҳрирдаги Низом билан Қуролли Кучларимизни контракт бўйича ҳарбий хизматчилар билан бутлашнинг экстерриториал принципи билан бирга яна янги – территориал принципи жорий этилди. Мазкур норманинг янги низом билан тасдиқланиши ҳарбий хизматчиларнинг хизмат жойини ўзгартириш (ротация) билан боғлиқ бўлган барча масалаларни тартибга солади.

– Мамлакатимиз раҳбарининг мазкур қарори Ватанимиз фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташга бўлган қизиқишлари янада ортишига, юртимизда ҳарбий хизмат нуфузи ошишига, Қуролли Кучларимиз сафини ватанпарвар, мард, жасур, ташаббускор ва садоқатли фуқаролар билан бутланишига, бу эса миллий хавфсизлигимизни таъминлаш учун асосий омил ҳисобланган Қуролли Кучлар жанговар шайлигининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади, – дейди Мудофаа вазирлиги бош бошқарма бошлиғи ўринбосари полковник Шермуҳаммад Саидахматов.

Янги Низом лойиҳасининг «Ҳарбий хизматчилар ҳуқуқ ва мажбуриятлари» бобида ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига эътибор қаратилиб, ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат, пул, кийим-кечак, уй-жой билан таъминланишлари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган пенсия ва тиббий таъминот ҳамда бошқа ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан фойдаланишлари тартиби мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан буён камида йигирма календарь йил мобайнида ҳарбий хизматни бенуқсон ўтаган офицерлар таркибига мансуб контракт бўйича ҳарбий хизматчиларга ҳарбий хизматдан бўшатилаётган вақтда тегишли буйруқлар билан ҳарбий формани кийиш ва фарқловчи нишонларни тақиш ҳуқуқи берилди.

Конференция давомида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга масъул мутахассислар томонидан батафсил жавоб олишди.

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА,
«Vatanparvar»

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР АКАДЕМИЯСИДА

ҲАРБИЙ ПСИХОЛОГЛАРГА ЗАРУР КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

«Ҳарбий жамоаларни жанговар фаолиятга тайёрлашда психологик тренинг (тест) машғулотларидан фойдаланишнинг аҳамияти» мавзуида видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Унда видеоконференц-алоқа орқали Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий округ (бирлашма) қўшинлари қўмондонларининг, ҳарбий қисм командирларининг ва олий ҳарбий таълим муассасалари бошлиқларининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарлари, ахлоқий-руҳий таъминот бўлими бошлиқлари, ҳарбий округ бошқарув аппаратлари ва ҳарбий қисм ҳарбий психологлари, социологлар, профессор-ўқитувчилар иштирок этди.

Йиғилишда Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бошлиғи полковник Акмал Ортиқов мудофаа вазири томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини ўз вақтида бажариш, хусусан, ҳарбий жамоаларда шахсий таркибнинг жанговар шайлигини оширишда психотренинг ва психологик тестлардан самарали фойдаланиш, бу борадаги тажрибаларни босма нашрларда кенг тарғиб этиш зарурлигини қайд этди. Шунингдек, йиғилишда малакали мутахассислар ҳарбий психологларга психотренинг машғулотларининг технологияси ва аҳамияти юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

– Шахсий таркибни жанговар фаолиятга тайёрлашда жанг турини инобатга олган ҳолда психологик тренинг сюжетлари, ролли ҳаракатларни тайёрлаш лозим, – дейди Қуролли Кучлар академияси профессори, фалсафа фанлари доктори подполковник Рустамжон Самаров. – Масалан, саҳрода, чўлда, қуруқликда, тоғли ҳудудларда, шаҳар зонасида олиб бориладиган ҳаракатлар ҳарбий хизматчидан диққатни жамлаш, жараённи идрок этиш ҳодисалар кетма-кетлигини таҳлил қилиш ва психологик ҳолатини назорат қилишни талаб этади. Психологик тренингларни реал вазиятларга яқинлаштирилган ҳолда ташкил этиш кутилажак хавф ва таҳдидларни ўз вақтида аниқлаб, тўғри қарор қабул қилишга хизмат қилади.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

«Олий ҳарбий таълимни такомиллаштиришнинг долзарб назарий ва амалий масалалари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

МУРОЖААТНОМАДАГИ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Жорий йилнинг 24 январида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилган долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган мазкур тадбирда Куролли Кучларимизнинг муқаддас сафларида фаолият олиб бораётган ҳарбий хизматчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, курсантлар иштирок этди.

Тадбирда академия бошлиғининг биринчи ўринбосари полковник Иқболжон Абдураҳмонов, жамоат арбоби Раҳматулла Жабборов ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномасида ҳар бир соҳа ва тармоқдаги долзарб масалалар, мамлакатни илм-маърифат ва рақамли технологиялар орқали ривожлантиришнинг аниқ механизмлари белгилаб берилганини таъкидлади. Шунингдек, ушбу дастуриламал ҳужжат жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, барча бўғиндаги раҳбарларнинг масъулиятини ошириш, қолаверса, ҳарбий таълим-тарбия ва замонавий ҳарбий кадрларни амалиётга тайёрлаш тизимида муҳим ўрин тутади.

– Олий таълим муассасаларида ўтиладиган тарих фанида умумтаълим мактабларида бериладиган маълумотлар деярли такрорланади, – дейди Қуролли Кучлар академияси профессори Акбар Ғаниев. – Албатта, тарихни ўрганиш керак, аммо мазкур фан ўрнига таълим ихтисослигидан келиб чиқиб, мисол тариқасида, академиямиз курсантларига Темурийлар давлати тарихини чуқурроқ ўқитиш мақсадга мувофиқ. Ушбу даврда бутун дунёга довруқ солган стратегик, тактик ва бошқа қимматли маълумотлар бўлғуси офицерлар фаолиятида айниқса асқотади.

Шарқ донишмандлари таъкидлаганидек, энг катта бойлик бу – ақл-заковат, илм, энг катта мерос – яхши тарбия, энг катта қашшоқлик билимсизликдир. Давра суҳбатида ҳарбий-педагогик жамоаларнинг илмий салоҳиятини ошириш, коррупцияга йўл қўймаслик, бу иллатга қарши муросасиз курашиш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасидан келиб чиқиб, академия фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар билдирилди.

Дилшод ШУҲРАТ ўғли

БУГУНИМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Президентимиз фармонига биноан 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни арафасида бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар турли даражадаги давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Улар сафида қаҳрамонимиз сержант Салим Абдуллоев ҳам бўлиб, у «Жасорат» медалига муносиб кўрилди.

Муаллиф суратга олган

ОТАНИНГ УШАЛГАН ОРЗУСИ

Сержант Салим Абдуллоев Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида, ишчи оиласида таваллуд топган. Уч фарзанднинг кенжаси. Айни пайтда Мудофаа вазирлигига қарашли Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари ҳарбий қисмларидан бирида гуруҳ командири ўринбосари лавозимида хизмат қилмоқда.

У билан яқинда Мудофаа вазирлиги томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида мамлакатимизнинг олис ва чекка ҳудудларида ташкиллаштирилган ватанпарварлик тарғибот тадбирларидан бирида, Навоий вилоятининг Томди тумани, «Шиели» овул фуқаролар йиғинига қарашли Ўтемурат овулига бўлган сафар давомида ҳамроҳ бўлдим. Юртдошларимиз, айниқса, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтириш, эртамиз давомчиларининг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда Зарафшон шаҳридан 200 чақирим олисда, Қизилқум саҳросининг бағрида жойлашган Ўтемурат овули ёшлари Салимни ўраб олиб тинмай саволлар беришар, унинг кўксини безаб турган «Жасорат»га қизиқиб қараганча, ушлаб кўриш учун яқинроқ келишга ҳаракат қилишарди...

АКА ИЗИДАН ЁХУД ШАКЛЛАНАЁТГАН ҲАРБИЙ СУЛОЛА

– Салим, аввало давлатимизнинг нуфузли мукофотига сазовор бўлганингиз билан табриклайман. Айтинг-чи, шарафли соҳага қандай кириб келгансиз?

– Раҳмат. Ҳақиқатан ҳам Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 28 йиллик тўйи менга, мендан ҳам кўра кўпроқ ота-онамга олам-олам қувонч олиб келди, десам хато қилмайман. Чунки акам Сиддиқ Абдуллоев иккимизнинг ҳарбий соҳага кириб келишимизга аввало, отам Шокир Абдуллоев сабабчи бўлган. Ҳавас ва иштиёқни мурғаклигимиздан қалбимизга отам сингдирган. Отам, «Ўғилларим, эр йигит – эл фарзанди. У Ватан корига камарбаста бўлиши керак. Ўзим ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қилардим, бўлолмадим. Шу нарса менга бир умр армон. Орзуим рўёбини сизлар амалга оширасизлар, эл-юртга фидойилик билан хизмат қилиб, онанг иккимизнинг юзимизни ёруғ қиласизлар, деган умиддаман», дея кўп такрорлар эди.

Отамизнинг бу ўгитларини жон қулоғимиз билан тинглар эдик. Шу боис ёшликдан спорт билан шуғулланиб, ўқиб-ўрганиб вояга етдик. Мактабнинг 9-синфини битиргач, «Ҳарбий-техник йўналишдаги Фарғона академик лицейи»да (ҳозир Фарғона «Темурбеклар мактаби») дастлабки ҳарбий билимларни ўзлаштиришга киришдим. Таҳсил поёнига етгач, муддатли ҳарбий хизматга йўл олдим. Йигитлик бурчимни Шарқий ҳарбий округда, ўқчи лавозимида адо этдим ва хизматни шартнома бўйича давом эттиришга киришдим. Бу вақтда акам ҳам шартнома бўйича ҳарбий хизматчи эди. Шу боис бизни яқиндан билганлар, ана, яна бир ҳарбий сулола шаклланяпти, дейишарди. Бу мақтовлардан айниқса, отамнинг юзлари ёришиб, онам иккаласи фахр ва ғурур ҳисларини туяётганини англаш қийин бўлмасди.

– Ҳарбий хизматни танлашингизга онангиз қаршилик қилмаганми?

– Асло. Онам ҳар доим отамнинг қарорини қўллаб-қувватлаб, оилада отанинг роли қанчалар устун эканини бизга тушунтириб келарди. Эсимда, акам иккимиз спорт мусобақаларидан совриндор бўлиб қайтсак, онам Ўлмасой опам билан биргаликда отамдан кам қувонмасди. Янада юксакроқ натижаларни қўлга киритишимизга тилакдош бўлиб, маънан рағбатлантирарди.

– Спортнинг қайси тури билан мунтазам шуғулланасиз?

– Ёқтирган спорт турим – енгил атлетика, тезликка югуриш. Бундан ташқари кураш билан ҳам шуғулланаман.

– Сержантлар – армиямиз суянчи ва таянчи. Сизни сержант сифатида шакллантирган даргоҳ?

– 2008 йилда Шарқий ҳарбий округ Сержантлар тайёрлаш мактабини битирдим. Ростдан ҳам ушбу таълим муассасасида ўрганганларим хизматни ўташим давомида ҳар доим асқатиб келмоқда.

– Ҳаётда сизни қизиқтирган мавзу ёки машғулотлар?

– Касбим тақозосига кўра ҳарбий техникалар ва қурол-яроғларга оид янгиликларни кузатиб бораман. Хизматдан бўш вақтларимда бадиий китоблар, асосан, детектив жанрдаги ҳикоялар, тарихий асарларни севиб ўқийман. Бундан ташқари расм чизиш яхши кўрган одатларимдан.

– Давлат мукофотига муносиб бўлиш осон эмас. «Жасорат»га сазовор бўлиш учун кўрсатган жасоратингиз?

Камтарлик қилиб, ўзини мақташдан қочаётган суҳбатдошимиз ўрнига саволимизга батальон командири подполковник Шерали Нарзиев жавоб берди:

– Маълумки, Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари давлатимизнинг ўта муҳим объектларини қўриқлаш, ҳимоя қилиш ва мазкур объектлар ҳудудларида тартиббузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик учун масъулдир. Шу борада хизмат мажбуриятидан келиб чиқиб, сержант Салим Абдуллоев хизматни намунали ўташ, давлат ва ҳарбий мулкларга, шахсий таркиб ҳамда фуқароларга зарар етказилишининг олдини олиш, тартиббузарларни қўлга олиш ва зарарсизлантириш борасида юксак ҳушёрлик ва фидойилик билан бир неча бор ўзини кўрсатган. Уни доим сафдошларга намуна қилиб кўрсатамиз ва давлатимизнинг юксак мукофотига ҳар томонлама лойиқ, деб биламиз.

– Илғор ва намунали бўлиш учун ўқиб-изланишдан ташқари ўзаро мусобақадошлик, соғлом рақобат муҳити ҳам муҳим роль ўйнайди...

– Фикрингизга қўшиламан. Ҳақиқат баҳсларда туғилади, деганларидек, мен ҳам сафдошларим билан тўғри маънода барча тайёргарлик ва машғулотлар жараёнида баҳслашаман. Жумладан, сержант Янгибой Хоналиев, катта сержант Жасур Жумабоев, кичик сержант Акмал Аъзамов билан ҳар жабҳада мусобақадошмиз.

– Давлат мукофоти олганингиз ҳақидаги хушхабарни биринчи бўлиб кимга айтдингиз, албатта, отангизгадир...

– Йўқ, бироз камтарлик қилгим келди ва биринчи бўлиб рафиқам билан қўнғироқлашдим ҳамда бу ҳақда ота-онамга хабар беришни унга топширдим. Қувончли воқеа, буни етказишдан туйиш мумкин бўлган лаззатни умр йўлдошим билан баҳам кўргим келди (кулади).

ФАРАҲБАХШ ОНЛАР

Қаҳрамонимиз рафиқаси Наргизахон билан 9 ёшли Самойиддин ва 6 ёшли Шаҳобиддинни вояга етказяпти. Фарзандлар ҳам ота изидан бориб, келажакда ҳарбий хизматнинг бошидан тутиш ниятида.

Мақолани тайёрлаш жараёнида Салимнинг турмуш ўртоғи Наргиза Ражабова билан телефон орқали суҳбатлашдим.

– Турмуш ўртоғингизнинг мукофоти сизга ҳам муборак бўлсин. Хушхабарни энг яқинларга етказиш масъулияти сизга юкланган экан, биринчи бўлиб кимга айтдингиз?

– Раҳмат. Албатта, биринчи бўлиб қайнонамдан суюнчи олдим. Чунки фарзандининг ютуғи ҳаммадан ҳам кўпроқ аввало, онасини қувонтиради. Оналар боласига доим яхшиликни раво кўради. Муқаддас динимизда ҳам яхшиликни уч бор онангга, кейин отангга қил, дея буюрилган. Ўзим она бўлганим учун ҳам қайнонамнинг она сифатида фарзандининг ютуғидан қай даражада қувонишини тасаввур қилдим. Кейин эса қайнотамга етказдим. Хушхабарнинг қаноти бор деганларидек, бир зумда бу ҳамма ёққа тарқаб, дўст-яқинларнинг табрикларига кўмилиб кетдик.

– Ҳарбий хизматчининг рафиқаси бўлиш осон эмас. Эр касби тақозосига кўра кўп вақтини хизматда ўтказишига тўғри келади.

– Тўғри, қийинчиликлар бўлади, аммо ўзаро ишонч, ҳурмат, меҳр-муҳаббат бўлса, барчасини енгиб ўтиш мумкин, деб ҳисоблайман. Ҳарбий хизматчининг рафиқаси эканимдан, толеимдан мамнунман. Турмуш ўртоғим ҳар доим мени тушунишга, қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. У кишидаги энг маъқул одат сабрлилигида, дея биламан. Турмуш ташвишларига, гоҳида мен томондан бўладиган инжиқликларга ҳам сабр билан ёндашади. Фарзандларимиз тарбиясида, уй ишларида имкон қадар ёрдамлашишга ҳаракат қилади. Рус, инглиз тилларини яхши билгани учун болаларга дарс тайёрлашда кўмаклашади.

Подполковник Ёшин ҲАКИМОВ суҳбатлашди.

ШАРҚИЙ ҲАРБИЙ ОКРУГДА

АРТИЛЛЕРИЯЧИЛАР ЖАНГОВАР ШАЙ

Ўқув йили режасига асосан Мудофаа вазирлиги қўшинлари ҳарбий қисм ва бўлинмаларининг жанговар шайлиги, ҳарбий хизматчиларнинг эгаллаган билим, малака ва кўникмалари назорат-текширув машғулотларида синовдан ўтказилди. Ватан тинчлигини асраш-дек устувор мақсадни дилларига жо айлаган юрт ҳимоячилари бундай муҳим синов босқичларида юқори натижаларга эришиш учун астойдил ҳаракат қилди.

Муаллиф суратга олган

Артиллериячи мутахассислар билан ўтказилаётган синовларни кузатдим. Назорат текширувида дастлаб ҳарбий хизматчиларнинг сафар қопи ва шахсий анжомлари кўрикдан ўтказилди. Шундан сўнг навбатдаги синовлар амалга оширилди.

Интеллектуал жиҳатдан етук, таҳлилий фикр юрита биладиган, жисмонан бақувват, стратегик тафаккурга эга ҳарбий хизматчиларнинг кўникмаларини такомиллаштириб бориш миллий армиямизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Жисмоний тайёргарлик синовларида юрт ҳимоячилари турникда тортилиш, 100 ва 3000 метрга югуриш меъёрларини бажарди.

Қўшинларда офицер ва сержантларнинг маънавий ва ахлоқий-руҳий фазилатларини мустаҳкамлаш, кучли, иродали, Ватан тақдири учун масъулият ва дахлдорлик ҳиссини камол топтириш муҳим вазифалардан бири саналади. Ҳарбий қисм артиллериячи мутахассисларининг бу борада эгаллаган билим ва кўникмалари ўтказилган тест синовларида намоён бўлди.

Мазкур машғулотда юрт ҳимоячилари бўлинмаларнинг жойлашуви ва унинг ҳаракатланиш йўналишини белгилаш, берилган шартли белгиларни изоҳлаш, харитадан шартли душман жойлашган ҳудуднинг координаталарини аниқлаш каби қатор ўқув саволларини бажарди.

– Бугун ҳарбий хизматчиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, бўлинмалар жанговар шайлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди дивизион командири майор Баҳодир Ҳусайинов. – Ўқув йили режасига асосан олиб борилган синов машғулотларида дастлаб индивидуал, сўнгра гуруҳ, взвод, дивизион ва бўлинмалар таркибида ушбу талабларнинг бажарилганлиги ўрганилмоқда. Қўшинлар ҳамкорлигида ўтказилаётган амалий машқлар эса соҳани мукаммал ўрганиш имконини беряпти. Ушбу назорат текшируви ҳам бизнинг билим ва кўникмаларимизни яна бир бор чиғириқдан ўтказди. Бунда нафақат жанговар тайёргарлигимиз, балки маънавий-маърифий, жисмоний тайёргарликлар бўйича ҳам синов имтиҳонларини топширдик.

Назорат текширувларининг иккинчи кунида ҳарбий қисм шахсий таркибига тўсатдан «Тревога» сигнали берилди. Унга мувофиқ, юрт ҳимоячилари ўзларига бириктирилган қурол-аслаҳалар билан қисқа фурсатда саф майдонида ҳозир бўлдилар. Бир вақтнинг ўзида жанговар техникалар, ўзиюрар артиллерия қуроллари ҳам жанговар шай ҳолатга келтирилди.

Манзил аниқ. Дала-ўқув майдони. Ҳаракат давомида хавфсизлик қоидаларига тўлиқ амал қилинди. Минглаб гектарни ташкил этадиган дала-ўқув майдонига етиб келган юрт ҳимоячилари бир неча ўқув жойларида назорат синовларидан ўтдилар. Бўлинмалар шахсий таркиби ўзларига бириктирилган қуроллардан нишонларга отиш машқларини ҳам бажарди.

Таъкидлаш керакки, мазкур назорат-синов машғулотларининг ҳар бир ўқув жойига малакали мутахассислар жалб қилинган. Бу эса ҳарбий хизматчиларнинг билим ва маҳоратларини холисона баҳолаш имконини бермоқда.

Ҳаракатчан, тезкор ва юксак жанговар қобилият. Бугун қўшинларимизнинг барча бўлинмалари ана шундай сифатга эга, дейиш мумкин. Ҳар бир қўшин тури, унинг фаолияти қайси йўналишга қаратилган бўлмасин, юрт ҳимояси йўлида ўзига юклатилган вазифаларни тўлақонли адо этиб келмоқда.

Ўқув жойларидан бирида ҳарбий хизматчилар жанговар техникаларни бошқариш маҳоратларини амалда намоён этишди.

Бир неча кун давом этган назорат текширувида ҳам ҳарбий хизматчилар бўлинмаларни бошқариш, ностандарт қарорлар қабул қилиш, энг муҳими, қўшинлар ҳамкорлигининг ўзига хос муҳим жиҳатларини синовдан ўтказишга эътибор қаратилди.

Капитан Шунқор БЎРИЕВ

ФИДОЙИЛИК

ИККИ ИНСОННИНГ ҲАЁТИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигидек азиз неъматларнинг қадрини билган ҳар бир инсон атрофида рўй бераётган ҳолатларга лоқайд бўлмайди. Лоқайдлик эса ҳар доим салбий оқибатларга олиб келган. Бугунги кунда фуқароларимизнинг кутилмаган ҳолатларда тўғри қарор қабул қилиб, тезда тинчлик посбонларига маълумот бериб билдираётган ишончи натижасида бир қанча кўнгилсизликларнинг олди олинмоқда.

Гоҳида турли вазиятлар сабаб фуқароларимиз, аксар ҳолатларда ёшлар томонидан ножўя ҳаракатлар, кимгадир озор бериш ёки ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари учрамоқда.

Ана шундай икки ҳолат 1-3 февраль кунларида Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги И. Каримов кўчасидан оқиб ўтувчи дарёда содир бўлди. «Қашқадарё соҳили» сайилгоҳида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга сафарбар этилган Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва бефарқ бўлмаган фуқароларимизнинг саъй-ҳаракатлари натижасида икки инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинди.

1 февраль куни соат 15:10 ларда 2002 йилда туғилган фуқаро С.Р. кўприкдан ўзини ташламоқчи бўлган. Ўқувчи қиз хизмат вазифасини бажараётган Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари Д. Жакбаров ва А. Қурбонов томонидан ўз вақтида қутқарилиб, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қарши филиалига етказилган. Тиббий текширув натижасида унда ҳеч қандай тан жароҳати аниқланмаган. Маълум бўлишича, фуқаро С.Р. оила аъзолари билан ўзаро зиддият туфайли шу ишга қўл урган.

3 февралдаги воқеа эса аянчлироқ оқибатларга олиб келди. Шу куни тахминан соат 14:50 ларда 2000 йилда туғилган, вақтинча ишсиз фуқаро А.Х. шиша синиғини бўйин ва қорин соҳаларига санчиб, ўзини дарёга ташлаган. Юз берган воқеани кўрган, 1990 йилда туғилган, ободонлаштириш бошқармаси ишчиси Ш. Мирзоева дарҳол шу ҳудудда хизмат вазифасини бажараётган Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари О. Раҳматов ва А. Усмоновга хабар берган. Ҳарбий хизматчилар зудлик билан фуқаро А.Х.ни қутқариб, унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатганлар. Тиббиёт ходимлари томонидан фуқаро А.Х.га тез тиббий ёрдам кўрсатилиб, жонлантириш бўлимига ётқизилган. Ҳозирда унинг аҳволи қониқарли даражада. Мазкур ҳолат юзасидан Қарши шаҳар прокуратураси томонидан суриштирув ишлари бошланган.

Полковник Даврон ЖУМАНАЗАРОВ

ЖАРАЁН

ҚЎМОНДОН ВА ЁШЛАР

Тошкент ҳарбий округи ташаббуси билан пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Қўмондон ва ёшлар» учрашуви ташкил этилди.

Унда Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони полковник Зокиржон Сайфудинов, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши раиси Дурдона Раҳимова, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши раиси Зиёдулла Саъдуллаев иштирок этди.

Ушбу учрашув Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Президент ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг миллий армиямизни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишида қўйилган вазифалар ижросига қаратилди.

Округ қўмондони ўзаро мулоқотда ўтган йиллар мобайнида Қуролли Кучлар моддий-техник базаси тубдан янгиланганги, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси сезиларли равишда кучайтирилгани, халқ билан армиянинг бирлиги, якдиллиги амалда тўлиқ намоён бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбирнинг энг қизиқарли ва шиддатли нуқтаси юзма-юз савол-жавоблар жараёни бўлди. Округ қўмондони ёшларнинг ҳарбий хизмат билан боғлиқ кўплаб саволлари, таклифлари, муаммоларини тинглади ва уларнинг ҳар бирига батафсил жавоб бериб ўтди. Асосий эътибор ҳарбий хизматни ўташ қоидалари, ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш шартлари, тизимдаги имтиёз ва рағбатлар, армиямиздаги замонавий жанговар техникалар каби қатор масалалар ўзагига қаратилди.

Сўз олган ёшлар «Қўмондон ва ёшлар» учрашуви катта ва муҳим ташаббус бўлганини, бу каби учрашувларнинг тез-тез ташкиллаштирилиши ўзлари учун айни муддао эканини айтдилар.

Тадбир давомида Чирчиқ гарнизони Маънавият ва маърифат маркази ҳарбий оркестри, раққосалари ва яккахон хонандалари ижросида мусиқий чиқишлар намойиш этилди.

Тошкент ҳарбий округи матбуот хизмати

В Академии Вооруженных Сил состоялся очередной выпуск слушателей «Высших курсов по переподготовке и повышению квалификации офицеров командного состава».

НОВЫЙ ВЫПУСК – НОВЫЕ ЗНАНИЯ

Академия Вооруженных Сил Республики Узбекистан является одним из главных военно-образовательных учреждений в системе подготовки высококвалифицированных военных кадров для Вооруженных Сил нашей страны. Наравне с обучением курсантов – будущих офицеров, проводятся переподготовка и повышение квалификации офицеров органов управления различного уровня. На днях в Академии прошла церемония выпуска слушателей Высших курсов. На торжественном мероприятии приняли участие должностные лица центрального аппарата Минобороны, руководство, профессорско- преподавательский состав и слушатели Высших курсов.

Выступившие на мероприятии выпускники Высших курсов выразили глубокую признательность наставникам за полученные знания и приобретённые навыки, заверили их в том, что эти знания и навыки будут эффективно использованы в деле повышения обороноспособности родного Узбекистана.

В завершении торжества выпускникам Высших курсов вручены соответствующие дипломы, а особо отличившимся почетные грамоты.

Ч. РАИМБЕРДИЕВ

ҲУҚУҚ

Президентимиз раислигида 2020 йил 10 январь куни Хавфсизлик кенгашининг миллий армиямизни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишида ҳозирги ахборот маконидаги қарама-қаршилик, одамлар, айниқса ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш кучайган шароитда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

«ҲАРБИЙ ҚИСМДА БИР КУН»

Фарғона ҳарбий прокуратураси томонидан Фарғона шаҳар ҳокимлиги ҳамда Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ҳамкорлигида Фарғона гарнизонидаги ҳарбий қисмда ёшларимизни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий-маърифий дунёқарашини юксалтириш, уларда меҳнатсеварлик, ирода каби инсоний фазилатларни шакллантириш мақсадида умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокида «Ҳарбий қисмда бир кун» акцияси ўтказилди.

250 нафардан ортиқ ўқувчи ёшлар кун давомида ҳарбий қисмда белгиланган тартибга асосан, машғулотларда иштирок этишди. 40 дан зиёд ўқув нуқталарида машғулот раҳбарлари юқори уюшқоқликда ёшларга ҳарбийча ҳаёт ҳақида маълумотлар берди. Дастлаб ўқувчилар ҳарбий қисм тарихи билан танишиб, мустақиллик йилларида жанговар ҳаракатлар вақтида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларни ёд этди ҳамда ҳарбий қисмда ташкил этилган хотира майдонига гулчамбарлар қўйди.

Шунингдек, саф майдонида саф қўшиқлари билан юриб ўтиш, қурол-аслаҳа кўргазмаси намойиш этилиб, китоб ярмаркалари ташкил этилди.

«Ҳарбий қисмда бир кун» акциясининг якунига бағишланган тадбир савол-жавобларга бой бўлди. Машғулотларда фаол қатнашган ўқувчилар эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Адлия полковниги Шерзод САИДОВ, Фарғона ҳарбий прокурори

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ИБРАТ

МИЛЛАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ ДОИМО ЭЪЗОЗДА

Урушнинг бир куни, бир лаҳзаси ҳам қалбларда етарлича жароҳат қолдиради. Иккинчи жаҳон уруши меҳнаткаш халқимизнинг қанчадан қанча мард ўғлонларини бу ҳаётдан эрта олиб кетди. Ғалаба, албатта, тотли, бироқ у йўқотишларсиз бўлмайди. Ана шу қонли урушларда жон олиб-жон берган ватандошларимизнинг жасорати бугун ҳам ёш авлод учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Урушдан омон қайтган боболаримиз эса ёшларга тинчликнинг, мана шу дориламон кунларнинг қадрини уқтиради. Бугунги кунда Жиззах вилояти Фориш туманида Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, юртга эсон-омон қайтиб келган биргина Нормуҳаммад бобо Аясов истиқомат қилиб келмоқда. Нормуҳаммад бобо 98 ёшни қаршилабдики, ҳали-ҳамон тетик. Фарзандлари, невара-ю эваралари бағрида умргузаронлик қилмоқда. Бобонинг дуосини олишни истасангиз, у кишини Фориш туманининг Қоратош қишлоғидан излайсиз.

Марказий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида командирлик қилаётган подполковник Ҳусан Каримов ва унинг жамоаси қаҳрамон бобонинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туради. Бу йўқлов фақатгина байрам ва қандайдир саналар муносабати билан эмас, балки кўнгил амри ила бўлади.

Нормуҳаммад бобо ҳарбийларни кўрганида жойида ўтиролмай қолади, уларни ўтиргизгани эса жой тополмай қолади. Ҳа, бу ҳарбий либос бобонинг қалб тўрида сақланиб қолган узоқ ўтмиш хотираларини ёдга туширса, ажаб эмас.

Суҳбат қизигандан қизийди. Нормуҳаммад бобони чарчатиб қўймайлик, деб истиҳола қилсангиз, адашасиз. Бобо тоғ одами.

Ҳарбий хизматчилар олиб борган эсдалик совғалар бобонинг кўнглини тоғдек кўтарди. Йўқ, гап совғада эмас. Гап меҳр-оқибатда, эътиборда, ғамхўрликда, ҳурматда. Мана шу эзгу туйғулар боқий экан, халқимиз ўз қаҳрамонларини, миллат гултожиларини асло эътиборсиз қолдирмайди.

Подполковник Хуршидбек КАРИМОВ

МАРДИ МАЙДОНЛАР

Марказий ҳарбий округнинг «Фориш» тоғ дала-ўқув майдонида «Тоғ овчиси» ўқув курси машғулотларида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар имкониятлари яна бир бор синовдан ўтказилди.

МАҲОРАТ СИНОВДАН ЎТГАН МАШҒУЛОТ

Реал вазиятларга яқин тарзда олиб борилган амалий машғулотларда дастлаб юрт ўғлонлари шартли душман жойлашган ҳудудни аниқлаш ва уларни йўқ қилиш мақсадида разведка-қидирув ишларини олиб борди. Бир вақтнинг ўзида турли жойларда тактик машғулотлар амалга оширилди. Йиллар мобайнида билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб келаётган юрт ҳимоячилари ноқулай шароитларда жанг олиб боришнинг янги усул ва услубларини амалда бажардилар.

Тоғли ҳудудларда, қиялик ва нишабликларда ўқотар қуроллардан белгиланган нишонларни тезкор ва аниқ мўлжал олиб яксон қилиш, хавфли ҳудудларда яширин ҳаракатларни амалга ошириш жараёнларида ҳам юрт ҳимоячилари ўз маҳоратларини намойиш этди. Улар отиш

тайёргарлиги бўйича кўникмаларини оширдилар.

Ўқув курси режасидан ҳарбий-тиббий тайёргарлик машғулотлари ҳам ўрин олган. Ватан ҳимоячилари тиббий тайёргарлик машқларида жароҳат олган сафдошларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, беморни хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш бўйича амалий синовлардан ўтиб, тажрибаларини бойитишди.

Қояларда ҳаракатланиш – ўта мураккаб иш. Айниқса, қишнинг ноқулай об-ҳаво шароитида берилган вазифани муваффақиятли бажариш катта масъулият талаб этади. Бунинг учун киши матонатли ва албатта, бой тажрибага эга бўлиши лозим. Гап шундаки, ҳарбийларга арқон билан тик қоялардан тушиш топшириғи қўйилди. Вазифа эса беками-кўст уддаланди.

Икки ҳафта давом этган мазкур ўқув курсининг 90 фоизи амалий машқлардан иборат. Машғулотларда ҳарбий хизматчиларнинг тик қояларда ҳаракатланишда зарур бўлган замонавий тоғ анжомларини қўллаш, тактик ҳаракатларни амалга ошириш, отиш машқларини бажариш каби мураккаб вазифаларни адо этишига алоҳида эътибор қаратилди.

Муаллиф суратга олган

Шундай қилиб, «Тоғ овчиси» қишки ўқув курсида юрт ўғлонлари ҳар қандай вазиятда ҳам берилган вазифани тезкорлик ҳамда аниқлик билан бажариш кўникмаларини амалда намоён этиб, маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказишди.

Сержант Олим БЕРДИЕВ

ҒАМХЎРЛИК

Бугун Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида Иккинчи жаҳон урушида қатнашган биргина инсон ҳаёт – Рўзи бобо Соатов. Илойим, умри узоқ бўлсин. Ҳозир 95 ёшда. Туманнинг «Самарқанд» жамоа хўжалиги Меҳнатобод қишлоғи, «Наврўз» кўчасидаги 2-уйда истиқомат қилади.

Муаллиф суратга олган

«ГЕНЕРАЛ»НИНГ БЕҒУБОР ҲАЗИЛИ

Биз уруш ва фронт орти фахрийларини фақатгина байрамларда эмас, балки доимо эъзозлаб, ардоқлашимиз, уларнинг соғлиги ҳақида ҳар куни, ҳар соатда ўйлашимиз лозим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмлардан бирининг командири полковник Фаррухжон Қодиров бизни Рўзи бобо хонадонига бошлаб борди. Мезбонларнинг кутиб олишидан, икки томоннинг суҳбат асносидан шуни англаш мумкинки, бу биринчи ё иккинчи йўқлов эмас. Сездикки, ҳарбий хизматчилар жангчи бобонинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туришади. Шундай бўлиши ҳам керак, аслида.

Ичкарилаймиз. Бобо анча тетик. Гурунги одамга завқ беради. Ора-орада, «олиб ўтиринглар, жеб ўтиринглар», деб қўяди. Полковник Фаррухжон Қодиров Рўзи бобога:

– Сиз биз учун генералсиз, бобо. Урушда қон кечиб юрганингизда биз ҳатто туғилмаган эдик, – дейди.

Ҳа, полковник ҳақ! Рўзи бобо чинакам генерал. Шу боис ҳам бугун ҳамманинг эъзозида. У киши уруш пайтидаги воқеаларни гапириб берар экан, бугунги куннинг қадрига яна бир бор етгандек бўласан, киши. «Оч одам жўқ, жаланғач одам жўқ, шунинг ўзи катта гап эмасми, болаларим?» дейди бобо.

Рўзи бобо ёшлигидан полвон бўлиб ўсган. Полвонлар даврасида ор талашиб эр йигитлик рутбасини олган. Бобо беғубор ёшлигини эслаб, гуруҳ беради:

– Мени елкасидан оширган одам бўлмаган, болам. Биз даврага соврин учун эмас, номус учун тушардик. Ҳозир ҳам куч-қувватдан қолганим йўқ *(кулади)*. Қани, ким олишади мен билан?

Хонани кулги тутиб кетади. Ҳарбийларимиз ҳам жавобнинг энг аълосини топишади:

– Биз генералларимиз билан олишмаймиз, бобо.

Рўзи бобонинг кўнглини олиш учун ҳарбийлар ҳар сафар тўлиб-тошиб келишар экан. Бу сафар бобога замонавий кондиционер олиб боришди. Полковник Фаррухжон Қодировнинг ғамхўрлигини кўриб, ҳавасинг келади.

– Айтинг, бобо, яна нима хизмат биздан? Тортинманг, кўнглингиз нима тусаётган бўлса, муҳайё қиламиз, – дейди ўртоқ полковник.

– Ҳа, шундайми? – қувлиги тутади бобонинг.

– Шундай.

– Унда бу келишингда битта кампир опкел. Ёши саксонлардан бери бўлсин!

Кулгидан думалаб қоламиз. Бобо ҳам қотиб-қотиб кулади.

– Сизлар билан гаплашиб ўтирсам, ўзимни худди хизматдош дўстларимнинг даврасидагидек ҳис қиламан, – дейди бобо жиддийлик касб этиб. – Шунинг учун ҳазил қиламан-да. Момонгиз анча йиллар олдин қазо қилганди. Худога шукр, болаларим, невараларим ёлғизлатиб қўймади. Доим ёнимда, кўнглимга қарайди. Янаям сизлар бор. Яхшиси, бу келишингда оркестрингни опкел. Ҳовлида бир маза қилиб ўйнаймиз.

Шу ваъда ва шу кайфият билан Рўзи бобо хонадонидан чиқамиз. Кўнгилда эса илиқлик, хотиржамлик.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»

ПИЛЛАПОЯ

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ОЛДИДАН

«ҳарбий хизмат»ни ўтаганлар

Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси ҳузуридаги чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш маркази курсларини муваффақиятли якунлаган навбатдаги курсантларга сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.

Унда ҳарбий ҳаётга илк қадам қўйган курсантлар, уларнинг ота-оналари, марказ жамоаси, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мазкур марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги «Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ўтган йилнинг апрель ойидан бошлаб фаолият юритиб келаётир.

Маросимда 25 нафар «С» тоифадаги ҳайдовчи электрик, 21 нафар «ВС» тоифадаги ҳайдовчи, 20 нафар ошпаз, 20 нафар алоқачи ва 20 нафар дизелчи-электрик йўналишлари бўйича таҳсил олган жами 106 нафар курсантга сертификат топширилди. Улар илк бор «Ўзбекистон Республикасига садоқат билан хизмат қиламан!» деган йигитлик қасамини овоз чиқариб, баралла айтишди.

Бу йигитларни энди муддатли ҳарбий хизмат кутиб турибди. Улар ушбу марказда олган билим ва кўникмалари билан армияга тез ва осон мослашади. Чунки марказдаги тўрт ойлик машғулотлар уларга чинакам миллий армиямиз атмосферасини яратиб бера олди.

– Бугун неварамни илк бор ҳарбий либосда кўриб, тўғриси, кўзимдан севинч ёшлари оқди, – дейди курсант Шарифжон Ортиқовнинг бувиси Зулхумор Тоғаева. – Болажоним бирпасда улғайиб қолибди. Мана, невараларим таҳсил олган марказдаги шарт-шароитлар билан танишдик. Уларнинг яшаши, овқатланиши, ётиб-туриши қандай бўлганини ўз кўзимиз билан кўриб, қувондик.

Зулхумор буви айтганидек, ота-оналар марказ фаолияти билан яқиндан танишди.

Эътиборлиси шундаки, марказда таҳсил олиш, яшаш ва овқатланиш, кийим-кечак учун маблағлар тўлалигича давлат ҳисобидан қопланади. Марказда бўлажак курсантларнинг илм-фан ўрганиши, жисмонан ва маънан тобланиши, танлаган мутахассисликларини пухта эгаллаши учун барча шароит яратилган.

И. НУРАЛИЕВ

9 ФЕВРАЛЬ – СЎЗ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

«Жангда иккі қадам орқада юргунча, бир қадам олға бос»

Ўзбек халқининг улуғ шоири ва давлат арбоби Алишер Навоий жаҳон адабиётининг буюк сўз санъаткоридир. Унинг номи дунёнинг машҳур шоирлари Гомер ва Данте, Рудакий ва Фирдавсий, Низомий ва Шота Руставели каби мутафаккирлар қаторидан муносиб жой олган.

Навоий ижодиёти бўйича унинг ҳаётлигидан бошлаб, то ҳозирга қадар яратилган асарлар, тадқиқотларнинг саноғи йўқ.



Алишер Навоий 1472–1476 йилларда амир (вазир) вазифасида фаолият юритган. Табиийки, Ҳусайн Бойқаро ўз давлат амалдорлари ичида Алишер Навоийдек донишманд, тадбирли кишиларнинг бўлишини жуда-жуда истар эди. Ундаги ноёб истеъдод отаси – темурий саройидаги йирик амалдор, давлат тутумлари ва ҳарбий ишларда тобланган Ғиёсиддин кичкинадан ўтган бўлса, не ажаб.

Ўз даврининг барча билимларини, ҳунарларини дўсти Ҳусайн Бойқаро билан ҳамқадам ўрганган Навоий Ёдгор Мирзо фитнасининг фош бўлишида бош-қош бўлганлиги маълум.

Алишер Навоий ҳарб иши ҳақида махсус асар яратмаган бўлса ҳам, «Хамса» достони туркумига кирган «Ҳайрат ул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши») фалсафий-таълимий достони ва «Маҳбуб ул-қулуб» китобида кузатишга молик жиҳатлар бор.

Достоннинг йигирманчи мақолотида Султон Бадиуззамонга қарата «Шоҳгаки сўзимнинг эътибори бор экан, сенга ҳам насиҳат қилсам, ўринлидир. Шуни билгингки, умр вафосиздир, давлат ва мартаба ҳам бақосиздир. Дунёда бахт ва бахтсизлик шундай бир нарсадир. Кўзни юмиб очгунча ҳаммаси ўтиб кетади. Бу дунёнинг биносини хароб деб тушун; унда нима кўринса, сароб бил», деб насиҳат қилади.

Навоий давлатни адолат билан бошқариш керак, чунки «адл» сўзидаги учта ҳарф буни эътироф этади, деб ёзади, яъни «адл» сўзидаги «айн» – ёндирувчи қуёш, зулматни ёритувчи, «дол» – давлат ва диннинг тожи, «лом» – ҳурларнинг сочини эслатувчи, иззат ва шарафни йўқотувчи тузоқ, деб бил, бировни тезда кўтариб юборма ҳамда озгина айби билан пастлатиб ҳам қўйма, деб уқтирар экан, айни пайтда душманга қандай зарба бериш керак, қўшинни қандай бошқариш лозимлиги ҳақида ҳам ҳақиқий лашкарбошидек йўл-йўриқ кўрсатади. «Уруш куни, – деб ёзади шоир, – душманга юзланганда қоида билан олдин сафларни туз».

Навоийнинг душманни даф қилиш «қоида»сига назар ташлайлик. Энг аввало, «Жангда хатосиз, аниқ ҳужум қил, кишининг ўлими унинг тақдирига боғлиқ... Алам қилиб турганда икки қадам орқада юргунча ҳаракат қил, бир қадам олға бос... сен сипоҳ тортиб, шундай ҳаракат қилки, халқнинг дуоси сени ўз паноҳига олсин. Шунга интилки, жанг юз берганда халқнинг оҳ шабадаси кўзингга чангни урмасин. Ўчли душманнинг мингта ўқи халқнинг бир оҳ ўқичалик ярадор қилолмайди. Жангда бегона одамларни енгсанг, бунинг шукронасига уларни ўлдиришга ҳаракат қилма».

Алишер Навоийнинг бошқа бир асари «Маҳбуб ул-қулуб»да эса ўша даврнинг бош таянчи, муҳофаза кучи лашкарнинг қилмишини аямай фош этади. Асарнинг «Лашкарлар ва ҳарбий юришдаги қора черик тўғрисида» номли қисмида «Ҳарбий юришдан қора черик, Яъжуж ва Маъжуж деб аталган махлуқ гуруҳига шерик... Ишлари талаш мумкин бўлганни таламоқ, ёт юртларни чигирткадек босиб, гиёҳ ва япроқларни яламоқ... барчаси ақл-идрок ва инсоф каби фазилатлардан бегона, одамгарчиликлари йўқликда, махлуқлардан ҳам ўтадилар, ҳайвонга хос қилиқлари кўп-у, одамийликлари оз», деб уларнинг иллатларини очиқ-ойдин қоралайди.

Ҳазрат Навоий ҳарбийлик ҳақида сўз юритар экан, энг аввало, давлат бошлиғи адолатли бўлишини таъкидлайди. Шоирнинг таъбирича, ҳукмдорга берилган баҳо унинг қайси динга мансублигига қараб эмас, балки ғайридин бўлса-да, Ватанни обод этиши муҳимлигини эслатиб, «Бўлса шоҳ золим, эл ичра зулмга эрмиш ривож», деб қайта-қайта такрорлашдан чарчамайди. Унинг таъбирича:

Шоҳки иш адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкни обод этар.
Кофири одил ани обод этиб,
Мўъмин золим ани барбод этиб.

Навоий фикрича, ҳукмдор, яъни «Шоҳ улус ҳолидан огоҳ эмас» экан, халқ ҳам унга «дил-хоҳлиқ» қилмайди, қаердаки ҳукмдор таъмагир бўлса, у мамлакат «ер билан тенг» бўлади, деб огоҳлантиради.

Шу ўринда шоирнинг илмни ўрганувчиларга қарата айтган гапларини келтириб ўтишни лозим топдик:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқини гумроҳ этар.

Бухориддин МАМЕДОВ,
филология фанлари доктори, Қуролли Кучлар академияси профессори.
Азизхон КЎЧИМОВ,
мустақил тадқиқотчи

ДЕНИС ДЕЛИ ВА НАВОИЙ

Ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда мураккаб муаммолар, глобал хавф-хатарларни биргаликда бартараф этиш, шу йўлда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиришда, бадиий сўз санъатининг ўрни ва масъулиятини ҳар қачонгидан ҳам юксалтириш зарурлигини давлатимиз раҳбари бежиз таъкидлаб ўтмаган. Фарзандларимизни шу руҳда тарбиялашда, миллий тикланишдан – миллий юксалишга эришишда сўз мулкининг султони бўлган мир Алишер Навоий бобомиз қолдирган улкан меросга керак бўлса ҳар куни юзланишимиз талаб этилади.

Бобомиз асарларини ўрганишга хорижда ҳам эътибор ва эҳтиёж борлиги мисолида фикримни давом эттирмоқчиман. Бу ҳақда «Халқ сўзи» газетасида ўқигандим. Яъни АҚШнинг Массачусетс штатида истиқомат қилувчи адабиётшунос, ёзувчи ва шоир Денис Дели Навоийнинг ғазалларини инглиз тилига ўгиргани ҳамда «Алишер Навоийнинг йигирма бир ғазали» («Twenty one ghazals by Alisher Navoiy») деб номланган китобни чоп эттиргани мени руҳлантирди.

– Алишер Навоий – буюк шоирлардан бири. Италияликлар учун Данте қанча қадрли бўлса, Навоий ҳам ўзбеклар учун шунчалик буюк шахс. Қисқа вақт ичида унинг барча ижоди билан танишиш мушкул. Унинг инглиз, рус, француз тилларидаги таржима асарларини кўздан кечирдим, – дейди Денис Дели.

Бугун Ғарб дунёсининг умуминсоний ғоялар, фалсафа ва ишқ, аслиятга интилиш, сўфизм, нақшбандия ғояларини ўз шеъриятида акс эттира олган Алишер Навоийдек шоирлар ижодини ўқишга эҳтиёжи катта эканлигини таржимон алоҳида таъкидлаган. Айнан шунинг учун ҳам Навоий ижодидан таржимага қўл урганини ёзган.

Шундан ҳам англаш мумкинки, дунёни маънавий таназзулдан қутқаришда бобокалонимиз мероси муҳим аҳамият касб этади. Буни биз, хусусан, ўсиб келаётган авлодлар ҳам англашимиз керак. Навоийни англасак, ўзлигимизни англаган бўламиз.

Ф. РАХМАТУЛИНА,
умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Навоий асарларида ҳарбий атамалар

Алочуқ, алочуғ – чодир, капа.
Амирул умаро – амирларнинг амири.
Арслонлиқ – шерлик, ғолиблик.
Аруғдол, арғадол – тепача, дара; пистирма.
Арғада – алдамоқ, ҳийла, макр билан енгмоқ, фириб бермоқ.
Аскар – лашкар; жангчи; сарбоз, сипоҳи.
Аслаҳа – қурол-яроғ.
Башоқ – ёй ўқи учига ўрнатилган ўткир учли темир.
Баҳодир – қаҳрамон, жасур, баҳодир, қўрқмас, паҳлавон.
Болчоқ – қилич сопи.
Бошоғлиғ – ўткир учли, ўткир тиғли.
Бунгоҳ – жой, тураржой, қўшин қароргоҳи.
Бурж – қалъа деворининг чўққиси, минора.
Газ – камоннинг парсиз ўқи.
Давулғон – дубулға.
Диз – қўрғон, қалъа.
Диловар – ботир, қаҳрамон, паҳлавон.
Дору – ўқ-дори, порох.
Доруға – бош миршаб.
Дурбин – узоқни кўрувчи.
Ёй – ёй, камон.
Ёмхона – чопарларнинг от алмаштириш жойи.
Ёрлиқ – амр, фармон.
Ёғий – душман, ёв.
Жавшан – совут, зирҳга ўхшаш уруш кийими.
Жаноқ – эгарнинг қоши.
Жубба – жангда кийиладиган кийим.
Жувонғор – қўшиннинг сўл қаноти.
Занбурий – кичик тўп, замбарак.
Зирҳ – совут, темир кўйлак, уруш кийими.
Камонхона – камон отишни машқ қиладиган жой.
Кежим – жанг вақтида отга кийдириладиган махсус ёпиқ.
Ковурго – катта ноғора.
Лашкар – аскар, қўшин.
Лашкароро – ғолиб, енгувчи.
Майдон – майдон, жанг майдони, жанггоҳ.

Фазлиддин МЕЛИЕВ тайёрлади.

ВАТАНПАРВАРЛИК – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ!

ДЎМБИРА ОҲАНГЛАРИ

> Бу ерларни дўмбирасиз, дўмбира оҳангларисиз тасаввур қилиб бўлмайди-да. Бугун жанубий ҳудудлардаги ҳарбий қисмларда ўтадиган тантаналарда ҳам дўмбира оҳанглари янграй бошлади. Оҳанг жўрлигида ор-номус, мардлик, матонатни мадҳ этадиган термалар жаранглайди.

Ҳарбий қисмнинг энг илғор взводидамиз. Дам олиш хонаси миллий ва замонавий анъаналар уйғунлигида жиҳозланган. Бу ернинг муҳити киши қалбига осойишталик солади.

Миллий ва замонавий чолғу асбоблари орасида дўмбира алоҳида ажралиб турибди.

– Шундай дўмбиралар борки... – деб взвод командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари майор Араббой Қурбонов уларга таъриф бера бошлади. – Ҳамманинг кўзига ўтдек кўриниб турган мана шу дўмбирани бахшилар ўртамиёна деб баҳолайди...

Офицернинг дўмбира борасидаги «маърузаси» мени ҳайрон қолдиради ва уни охиригача тинглашга тоқатим етмай савол бердим:

– Сиз буларни қаердан биласиз?

– Ўргандим-да! Шахсий таркибга бир маълумот айтиш учун, айниқса, бу миллий қадриятларимизга бориб тақалса, маънавий ҳаққинг бўлиши керак. Менинг маънавий ҳаққим – билим. Ўзинг билмайдиган, тушунмайдиган нарсаларга ҳеч қачон бошқаларни ишонтириб бўлмайди.

Шу пайт янграган дўмбира оҳанглари ва терма бизни ўзига тортди.

Алпомиш чертган бу созди,
Элимда чертиб юраман.
Овози юракни тирнаса,
Кучга тўлиб бораман.
Ҳарбийман ўзбек элимда,
Юрт тинчлиги дилимда...

– Бу термани устозимиз Равшан бахшидан ўргандим, – дейди шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Сарвар Ҳотамов. – Сурхондарё вилояти ҳокимининг кубоги учун бўлиб ўтган мусобақаларда мана шу терма учун рағбатлантирувчи мукофот берилди.

– Бахшиларни севиб тингласам-да, бирор мисра тўқиш қўлимдан келмайди. Сиз-чи? Сиз ҳам улар каби ҳозиржавоблик билан термалар тўқий оласизми?

– Йўқ-йўқ. Мен ҳатто даъво ҳам қилолмайман. Бу жуда улуғ ва мураккаб санъат. Мен оддий ҳаваскорман, энг оддий ҳаваскор. Шунчаки, бу санъатга муҳаббатим зўр. Бунинг учун кишида туғма қобилият, туғма истеъдод бўлади. Ана шундай истеъдод эгалари Ватан ҳимоячилари орасида ҳам бор.

– Дўмбирани дадиллик билан чалганингизни кўриб, сизни ҳам улардан бири деб ўйладик.

– Термиз давлат университети магистратурасида мусиқий таълим ва санъат йўналиши бўйича таҳсил олганман. Шу сабабли бир неча чолғу созларини чалиш қўлимдан келади.

– Шундай ноёб касб эгасига Қуролли Кучларимиздан ташқарида ҳам талаб кучли...

– Ҳарбийлик бизга ота касб. Отам истеъфодаги майор. Болалигимдан ҳарбий ҳаётни кўрдим, бошқача ҳаётни тасаввур ҳам қила олмайман.

– Муддатли ҳарбий хизматдан кейин шартнома асосида ҳарбий хизматни давом эттирдингиз, шундайми?

– Ростини айтсам, ҳарбий хизматни ўтаётганимга эндигина икки ой бўлди. 2012 йилда сафарбарлик чақируви резерви хизматида ойлик йиғинни ўтаганман. Ҳар бир кун ўзига хос, сермазмун, жўшқин, янгиликларга бой. Ҳаётимни армия билан боғлаганимдан ота-онам, барча яқинларим мамнун бўлди. Бундан руҳланиб юраман.

– Суҳбатимиз сўнгида бирорта терма айтиб бермайсизми?

– Бажонидил:

Алпомишдек ботирман,
Ёвнинг йўлин тўсаман.
Дўмбира садоси келса,
Осмон мисол ўсарман...

АСКАР ВА ОНАСИ

Мухбирлик фаолиятим давомида шаҳарда туғилиб ўсган аскарлар билан деярли суҳбатлашмаган эканман. Бугунги суҳбатдошим пойтахтлик курсант Даврон Муродов. Аскар ҳақида ёзишдан аввал унинг онаси Гулчеҳра Муродова билан телефон орқали боғланиб, қуйидаги саволларни бердик:

– Уни илк бор ҳарбий кийимда кўрганингизда кўнглингиздан нималар кечди?

– Қувонч... Илк марта улғайиб қолганини ҳис қилдим. Қиёфасида мардоналик... У билан шундай ғурурландимки, сўз билан таърифлаб бўлмайди. Буни мен каби аскар оналаригина англай олади.

– Акаси ҳам ҳарбий хизматга борганми?

– Акаси Жавлоним Наманганда шартнома асосида хизмат қиляпти. У укаларига ибрат бўлди. Давроним муддатли ҳарбий хизматни ўтаяпти. Моҳирим ҳам акалари изидан бормоқчи. Отаси иккимиз ўғилларимиз билан ғурурланамиз.

– Сурхондарёни илгари ҳам кўрганмисиз? Таассуротларингиз қандай?

– Илгари кўрмаганман. Ўғлимиз Давроннинг Ватанга қасамёд куни қутлагани бордик. Фарзандларимнинг қадами етган жойлар, меҳр кўриб, меҳр бериб хизмат қилаётган жойлари мен учун ҳам азиз, қадрлидир. Ўғлимни олисдан кўриб таниб олдим, энг олдинги қаторда турган эди, қасамёдини тинглаб, юрагим гурсиллаб уриб кетди. Бўйларингдан онанг ўргилсин...

Бундай суҳбат жуда узоқ давом этишини азиз ўқувчиларимиз яхши биладилар. Чунки оналар фарзандлари ҳақида гапирганларида вақт ҳам, меъёр ҳам ўз моҳиятини йўқотади. Биз аскар ўғил билан ҳам суҳбатлашганмиз.

Шундай инсонлар бўладики, улардан киши қалбини ёритадиган, ўзига тортадиган қандайдир илиқ нур, ёруғлик таралиб туради. Муддатли ҳарбий хизматчи, оддий аскар Даврон Муродов билан суҳбатда буни юракдан ҳис қилдим.

– Ҳарбий хизматнинг ўзига хос машаққатлари бор. Бу сизни қай даражада тобламоқда?

– Оилада тўрт фарзандмиз: акам, мен, укам ва синглим. Ота-онам бизни болаликдан меҳнатга ўргатган. Шунинг учун унча-мунча қийинчиликлар менга писанд эмас. Уйда ҳеч қачон бекор вақтимиз бўлмаган. Ўқиш, турли тўгарак машғулотлари, бўш вақтларимизда ота-онамизга кўмаклашганмиз.

– Сизни энг илғор курсантлардан бири, деб таърифладилар. Келинг, хизмат ҳақида эмас, одамлар ҳақида гаплашамиз. Маҳаллий аҳоли сизда қандай таассурот қолдирди?

– Бу ернинг одамларини яхши кўриб қолдим. Баъзан шаҳар ва вилоятда ўтадиган турли тадбирларда қатнашамиз. Шунда одамларнинг бизга меҳр билан қараётганларини ҳис қиламан. Ҳаммалари табассум билан боқишади, худди қадрдон кишиларини кўргандек ҳол-аҳвол сўрайдилар, хизматимиз билан қизиқадилар: чарчаб қолмадикми, қийин эмасми, сизлардек бўлиш учун нима қилиш керак ва ҳоказо. Ўртада бегоналик йўқ. Сен ёшу қари – ҳамма учун қадрлисан! Бу жуда ёқимли.

– Муддатли ҳарбий хизматнинг унутилмас лаҳзалари ҳақида гапириб беринг.

– Биринчи кунни ҳеч қачон ёдимдан чиқармасам керак. Шу куни ҳарбий қисмда тантанали тарзда кутиб олдилар. Жуда ҳаяжонландим. Ота-онамнинг кўз олдида Ватанга қасамёд қабул қилган куним, туғилган кунимда кутилмаганда уларнинг келиши жуда қувончли бўлган. Юртимизнинг турли чеккаларидан келган йигитлар билан дўсту қадрдонлигимиз ҳеч қачон бузилмаслигига ишонаман.

– Келажакда нималарни режалаштиргансиз, агар сир бўлмаса?

– Муддатли ҳарбий хизматга қадар Сергели политехника касб-ҳунар коллежининг автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналишида ўқиганман. Шу йўналишда ўқишни институтда давом эттириш ниятим бор.

– Омад ёр бўлсин!

– Раҳмат.

Саҳифани Инобат ИБРОҲИМОВА тайёрлади.

ПАМЯТЬ

ЭКСКУРСИЯ В ПРОШЛОЕ

или бессмертие фильма «Два бойца»

...перенесемся на мгновенье в далёкий 1943-й.

Зима в Ташкенте была теплой, снег будто насмехался: покроет землю и тает, проносясь по улочкам ручейками, резвясь, они устремлялись к речку, которых в городе немало. А над ними мосты и мостики.

(ФОТО: фрагмент из фильма)

В ту зиму в Ташкенте можно было выйти на берег Невы. Да-да настоящей реки Северной столицы России. Мостик, что переброшенный через Анхор, венчали колонны Растрелли...спокойно, мирно протекала Нева под аркой. Здесь снимались эпизоды самого лиричного фильма времен Второй мировой «Два бойца» режиссера Леонида Лукова, который с сотнями деятелей культуры и искусства России, Украины, Белоруссии был эвакуирован в Ташкент. Вот так и получилось, что Анхор сыграл роль Невы.

Как-то забросила меня журналистская деятельность в Москву, где встречалась с соотечественниками и с теми, кто в военные сороковые прошлого столетия жил, рос, учился, работал в Ташкенте, помнит, свой как они говорят родной город, до сих пор, будто простились с ним вчера.

Один из них Юрий Константинович Ветошкин, архитектор по профессии, говорили мы долго о его жизни в Ташкенте, когда он малышом, семья была эвакуирована из Москвы. Затем в 60-ые годы решил отблагодарить этот город, работал при возведении нового Ташкента после разрушительной раны землетрясения: «Помню буквально все, помню и съемки фильма, тогда я не знал что это за картина. Мы жили в районе парка им. Э. Тельмана (ныне им. Мирзо Улугбека), бегали купаться на речку. Снимались на натуре эпизоды будущего знаменитого фильма: землю разрывали авиабомбы, вой сирен, бегущие немецкие солдаты. Мы стремглав от всего увиденного бросались домой, нам казалось, что война дошла до Ташкента, хотя мы жили в тысячи километрах от действующего фронта, но все было настолько жизненно, правдоподобно, события возвращали многих зрителей в то страшное время. Это было моя первая встреча с волшебным искусством. Видела это и моя сестра, всемирно известная певица, народная артистка Ирина Архипова. А тогда она училась в Строительном институте и музыкальном техникуме, которые располагались рядом с местом, где мы жили. И до сих пор, видя эти кадры, кровь стынет в жилах. Этот фильм останется навсегда в памяти всех, кто участвовал, видел съемку, всех зрителей. Такое не забывается никогда...»

Действительно разве может такое забыться в памяти мальчишек, сегодня здравствующих ветеранов? Об этом вспоминал и известный пиротехник, я бы сказала «маэстро взрывов, фейерверков и всяческих батальных технических эпизодов» дядя Федя, как называли Фуат-абы Тюменева, который, увидев, мальчонкой, батальные сцены работы пиротехников на фильме «Два бойца», влюбился в эту сложную, порой, опасную, профессию и никогда не изменял ей никогда: «Все было настолько правдиво, что многие жители не выдерживали, убегали, чтобы не восстанавливать страшные события, которые были с ними, – вспоминал Фуат-ака Тюменев, – Именно тогда я и решил стать пиротехником, влюбился в это искусство навсегда и бесповоротно, вне него не мыслил своей жизни». Он до конца своих дней работал на киностудии «Узбекфильм».

Год проходит за годом, остаются считанные люди, кто хоть каким-то образом был связан с легендарным фильмом «Два бойца»...

А тогда... парк Ташкента на время стал Пулковскими высотами, гремела артиллерия, взрывы, рычали танки, с криком «ура!» бросались в атаку солдаты...и все это на аллеях, площадках, лестницах парка, вдоль мирно текущего Салара. Многие, кто окружал съемочную группу, вливались в массовые сцены, переодевались в формы немецких и советских солдат, брали в руки оружие и бросались в бой. Все это происходило, оглушая живущих рядом жителей, но никто не жаловался, все понимали, идет работа, нужная работа, которая остается на века. Многие же, смотря на все происходящее, смахивали слезу, удивляясь правде события, которое происходило на их глазах. Может быть, где-то в другом ракурсе и измерении, но они верили, что происходит это под их любимым городом на Неве, из которого они, беженцы, приехали в переполненных эшелонах в далекий край, где были приняты заботливыми добрыми ташкентцами. Многие из жителей консультировали создателей фильма, они – то были очевидцами происходящего в начале войны.

Батальные сцены: проходы танков и вылеты самолетов были сняты на военных полигонах Ташкентской области и г. Чирчик. Интерьерные съемки – в кинотеатре «Ватан», ныне в этом здании Национальный академический драматический театр Узбекистана, расположенный на улице Алишера Навои.

«Я помню те годы, тогда в нашем доме на улице Пушкинской, что рядом с сегодняшней Республиканской специализированной музыкальной академической школой им. В.Успенского, жили композитор Никита Богословский с семьей, Марк Бернес, Борис Андреев и другие творческие силы киноискусства России, – вспоминает народная артистка Узбекистана Бернара Кариева, известная балерина, педагог, – Никита Владимирович прожил в нашей квартире в те военные, именно здесь мы услышали мелодии и песни, сложенные для фильмов того времени: «Мать», «Александр Пархоменко», «Последняя очередь», «Путь к звездам», но особенно в памяти «Темная ночь», эту песню мы с братом пели для всех, кто приходил к нам в гости».

«Темная ночь»... До сих пор многие уверены, что она сложена раньше съемок картины, что такая мелодия и песня не могли родиться вдали от событий страшной войны, но именно Ташкент стал родиной этой всемирно известной песни.

«Изначально в этом фильме не предполагалось никаких песен. Но как-то вечером ко мне пришел режиссер Леонид Дуков со словами: «Не получается у меня сцена «В землянке» без песни», – вспоминал народный артист России, композитор Никита Владимирович Богословский. И так ярко и красочно описал мне, какой она должна быть, что тут произошло чудо. Я сел к роялю и сыграл всю мелодию «Темной ночи 2» без остановки. Это был единственный случай в моей жизни, когда песня сочинялась ровно столько сколько она звучит. Потом вызвали поэта Владимира Агатова, он сел за стол и довольно быстро написал на готовую мелодию стихи «Темной ночи». Разбудили марка Бернса, который отсыпался после бесконечных съемок. Нашли среди ночи гитариста, поехали на студию, взломали замок в звуковом павильоне и приступили к записи. Причем Марк Бернес, который очень долго разучивал песни, эту выучил быстро. Уже утром сцену 2 в «В землянке 2» снимали под готовую фонограмму».

Государственный архив фото, кино, аудио, видео документов Узбекистана отметил торжественно свой вековой юбилей. Именно здесь хранятся уникальные кадры давно минувших лет. На Ташкентской киностудии былы отсняты более двадцати картин: художественные, киножурналы, с хроникально-документальными кадрами с места событий, «Боевые киносборники», куда входили краткометражные игровые новеллы, фильмы – концерты, которые, после завершения, сразу же отправлялись на фронт в действующие армии.

Просмотровый зал архива...

...светится волшебный луч, на экране кадры далеких сороковых...

Ташкентский вокзал, сотни тысяч эвакуированных...

Киножурнал «Орденоносный Узбекистан»: четкий голос диктора: «Режиссер Леонид Луков дает последние наставления актерам. Два друга бегут в атаку, герой Марка Бернеса Аркадий Дзюбин падает, его подхватывают сильные руки друга Саши Свинцова – герой Бориса Андреева»...

...один эпизод меняется другим, оживают волшебные кадры, они протянули в сегодняшний день невидимые нити, которым более шестидесяти лет.

...1943 год. Идет ожесточенная война...

В этот год в Ташкенте снимаются шедевры узбекского киноискусства: лирическая картина «Два бойца» (реж. Л. Луков) и яркая кинокомедия «Насреддин в Бухаре» (реж. Яков Протазанов), – такие непохожие друг на друга по сюжету, концепции, манере игры, но такие добрые, оптимистичные, дающие веру в скорую победу.

По экранам мира уже какой десяток лет демонстрируются киноленты производства Ташкентской киностудии 40-х годов, некоторые вошли в список шедевров мирового киноискусства ЮНЕСКО.

И все же среди всех работ особняком стоит фильм «Два бойца», фильм о патриотизме, любви и дружбе, верности, воспитавший не одно поколение и кинодеятелей и зрителей; фильм-память, на котором можно учиться, как оставаться человеком в страшные минуты разочарования, мгновения, когда тебя разделяет жизнь и смерть. В конечном итоге, побеждает вера в жизнь, а у создателей этого фильма творческая жизнь перешла в бессмертие.

Фильм – иллюзия жизни. Да, это так! Тогда почему же плачет, смеется зритель, веря в происходящее на белоснежном полотне экрана, прекрасно при этом осознавая: это просто кино и не более?

Сделать иллюзию правдой «как в жизни» – задача нелегкая, порой не выполнимая. Фильм «Два бойца» доказал, это возможно и необходимо! Ибо киноискусство – это огромная вера в то, что происходит на экране.

Флора ФАХРУТДИНОВА

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ОЛДИДАН

«НЕЧУН У АЙРИЛМИШ ҲАЛОВАТИДАН?..»

Армия моддий жиҳатдан энг замонавий ва зарур воситалар билан таъминланган бўлиши мумкин, лекин ахлоқий жиҳатдан заифлиги, жанговар руҳи, Ватанга содиқлик ва муҳаббат, унинг тақдири учун масъулият ҳисси йўқлиги ёки лоқайдлиги тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

Психология тарихида қадим юнон мутафаккирлари «инсондаги тана ва руҳ (жон) бир-биридан мустақилдир», дейиш билан амалда янги фан – психологиянинг ўрганиш объектини, предметини аниқлаб берган эдилар. Ўн еттинчи асрда яшаган голланд мутафаккири Спиноза томонидан детерминизм (сабаб – оқибат алоқадорлиги) ғоясининг илгари сурилиши ҳамма фанлар қатори психология ривожига ҳам кучли туртки берди, аниқроғи, бу янгилик назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликни янаям мустаҳкамлади.

Психологиядаги назарий масалалардан бири шуки, одамзот неча минг йиллар давомида реал воқелик – табиий муҳит ва соғлом ижтимоий муносабатлар занжирида яшаб келган. Ва табиийки, унинг руҳияти ҳам шу асосга қурилган эди. Бироқ замонавий ахборот воситаларининг ҳаётимизга кириб келиши билан бу асос емирилиб, унинг ўрнини нореал – виртуал воқелик эгалламоқда. Ҳозирги болаларнинг анъанавий предметли – образли ўйинларни ўйнамай қўйгани фикримизни тасдиқлайди; бундай ўйинларнинг ижтимоий тажрибани ўзлаштиришдаги беқиёс аҳамияти барчамизга маълум. **Ҳозирги авлод ўз руҳий олами билан 100 йил, ҳатто 30 йил олдинги инсонлардан фарқ қилади.** Агар амалиётчи психологнинг бугунги ҳаётимиздаги ўрни масаласига қарайдиган бўлсак, у мутахассис сифатида реалликдан, турмуш икир-чикирларидан юқори туриши, бирозгина идеалист бўлгани дуруст, деб ўйлайман. Бунинг сабаби аввало давримиз одами ҳаёт ташвишларию тараққиёт зарбаларидан чарчаган, қолаверса, кейинги даврларда макро ва микро дунёни ўрганиш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар (квант ва нисбийлик назариялари) таъсирида инсоннинг ўзи ва уни қуршаган борлиқ тўғрисидаги тасаввурлари, демакки, руҳияти ҳам кескин ўзгарди. Бу ҳолатни Абдулла Орипов ўзининг «Асримиз одами» шеърида шундай ифодалаган эди:

...Билагида гарчанд етарли кучи,
Бойлик эргашса-да гарчанд ортидан,
Унинг чеҳрасида ташвиш бор нечун?
Нечун у айрилмиш ҳаловатидан?..

Шоир бу саволни айнан психологлар олдига қўяётгандай туюлмаяптими?

Гап инсон руҳиятининг бадиий талқини ҳақида борар экан, бу ерда ҳам дуализм ғоясининг ифодасини кўришимиз мумкин:

Вужуд деганлари асли нимадир?
Дайр денгизида юрган кемадир.
Бир кун бир қояга урилгай кема,
Руҳим, сен вужуднинг ғамини ема...

(А. Ориповнинг «Руҳим» шеъридан).

Мана шу нисбатан жузъий мисолларнинг ўзиёқ адабиёт ижтимоий онг шакли сифатида инсон руҳияти ва дунёқарашини акс эттириш билан биргаликда, ўзи ҳам бу унсурларга нисбатан акс таъсир кучига эга эканлигини кўрсатиб турибди. Шу ўринда ёзувчи ва шоирларга нисбатан ишлатиб келинган «инсон руҳиятининг муҳандислари» деган таъриф ёдга келади. Бундан эса **психолог ва социологлар ўз фаолиятларида ижтимоий онгнинг ҳамма шаклларидан – у дин, фан, тил, тарих, ҳуқуқ, ахлоқ, нафосат, фалсафа, санъат, сиёсат ёхуд адабиёт бўладими – имкон қадар самарали фойдаланишлари зарур**лигини кўрсатади. Психологиянинг фанлар таснифи (классификацияси)да турли хил илмлар чорраҳасида жойлашганлиги ҳам бунга имкон беради. Чунки бизда назария ва амалиёт масаласида бошқа фанлар билан интеграциялашув имконияти мавжуд.

Аслида ҳаммамиз ҳам «малакали психолог» хизматидан фойдаланиб келганмиз. Бу юмушни ота-онамиз, устозларимиз, дўстларимиз, севган кишиларимиз, ўқиган китобларимиз бажарган, улар билан мулоқот муаммолар гирдобидан чиқишимизда, эмоционал мувозанатимизга қайтишимизда ёрдам берган; ўз навбатида биз ҳам яқинларимиз учун шундай вазифани бажарганмиз. Ҳарбий психолог ва социологларимизнинг ушбу бой «ўқув-услубий манба»дан кенгроқ фойдаланишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Гап психолог ва социолог мутахассис шахси ҳақида борар экан, бир нарса ёдимга тушди. Ўтган аср саксонинчи йилларининг ўрталарида россиялик руҳшунослар – «Вопросы психологии» журнали ходимлари «Қандай соҳа вакилларининг фарзандлари энг юқори ақлий салоҳиятга эга?» деган мавзуда тадқиқот ўтказишган эди. Унинг натижаларига кўра, юзга яқин мутахассисликлар орасидан математиклар учинчи, мусиқачилар иккинчи ва психологлар фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Қизиқ, энди ҳозир, орадан 35 йил ўтгач, бизнинг бугунги ижтимоий-сиёсий ва миллий-маънавий жиҳатдан ўзгача шарт-шароитимизда шу мазмундаги тадқиқот иши қандай натижани берар экан? Ҳар ҳолда ўхшаш натижалар (!) чиқишига ишонмайман; бунинг бир қанча сабаблари бўлиб, алоҳида суҳбат мавзуси ҳисобланади.

Психология ва социология учун муҳим назарий қоидалардан яна бири қуйидагича: инсоннинг қандайлиги у мансуб бўлган ижтимоий муҳит билан белгиланади! Бу – асрлар давомида синовдан ўтган қонуният. Ўзим ҳам ўқув машғулотлари вақтида «Психология учун яхши ёки ёмон инсон бўлмайди; унинг яхши-ёмонлигининг асосида маълум бир омиллар ётади, ўша омиллар воситасида ёмон инсонни яхшига айлантириш мумкин», деган гапни тез-тез айтиб тураман. Аммо бундан, психолог сеҳргар (!) экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги зарур. У ҳам эл қатори одам. Унинг ҳам қўлидан келмайдиган ишлар бўлади.

Назарий психологиянинг яна бир устувор қоидаларидан бири, инсон, жумладан, ҳарбий хизматчи доимо рағбатга, айниқса, маънавий рағбатга эҳтиёж сезиши билан боғлиқ. «Эҳтиёжлар пирамидаси»даги энг юқори ўринни ҳурмат тушунчасининг эгаллаганлиги шундан. Агар биз ҳарбий жамоада ўзаро ҳурмат муҳитини ярата олсак, жуда кўп муаммоларнинг олдини олган бўламиз. Афсуски, сўнгги вақтларда самимий инсоний туйғулар камёблашиб бораяпти. Кузатувларимиз ҳам, тадқиқот ишларимиз ҳам шундан далолат беради. Бу нарса ҳарбий жамоаларда ўзаро ҳамдардлик, жамоавийлик туйғулари камайиб бораётганлигини англатади. Уларсиз жанговар тайёргарликни таъминлаб бўлмайди.

Баъзан шундай бўладики, биз ўқув машғулотларида курсант ва тингловчиларга бир нарсани ўргатамиз, ҳаётда эса улар бошқача манзаранинг гувоҳи бўлишаяпти. Масалан, уларга «ҳарбий хизматчи Умумҳарбий низомлар ва ахлоқ талабларига бўйсуниши, бир-бирини ҳурмат қилишлари, эъзозлашлари зарур», дейиз-у, амалда эса улар баъзан бунинг аксини кўришяпти. Ва аксарият ҳолларда, биз – катталар бунинг сабабчиси бўлиб қоляпмиз.

Энди кўп йиллик касбий фаолиятим даврида чиқарган хулосамга кўра, мутахассис назарий мазмундаги қоидаларни китоблардангина олиб қолмасдан, ўз ҳаётий кузатувлари асосида ҳам ярата олади. Масалан, ён дафтарчамга ёзиб қўйган назария – гипотеза ва фаразларимдан баъзилари қуйидагича:

– инсон – табиатан зиддиятли мавжудот. Бу қарама-қаршилик икки хил кўринишда намоён бўлади: у ўз-ўзи билан, шунингдек, ўзгалар, гуруҳ ва жамият билан зиддиятга боради;

– курсантларни эркинлик ва масъулиятга ўргатиш зарур, чунки улар ҳозирча қўрқув ва хотира воситасида ўқишмоқда;

– инсондаги, хусусан, курсантлардаги ҳаяжон, бу – ҳимоя реакцияси;

– охирги вақтларда узоқни кўриш имкониятимиз камайиши баробарида, (чунки зарурат йўқ) яқинни кўришимиз ҳам ёмонлашмоқда;

– урбанизациялашув оқибатида табиат ҳодисаларини, ундаги гўзалликни кўриб, идрок этишимиз қийинлаша боради...

Соҳа доирасида ҳал этилиши зарур масалалардан яна бири ҳарбий психолог ва социологларимиз ўрганиш, тадқиқот ишларида қўллаётган турли хил тестларнинг ишончлилиги билан боғлиқ; **баъзан турли газета ва журнал саҳифаларидан қирқиб олинган шубҳали тестлардан фойдаланилади. Уларда миллий хусусиятлар қанчалик эътиборга олинган? Умуман олганда, мамлакатимизда соҳа мутахассисларини бундай воситалар билан таъминлайдиган масъул марказ борми?** Агар бу ишга масъул давлат идораси, ҳеч бўлмаганда ихтисослашган илмий-тадқиқот институти бўлганида, психолог ва социологлар фаолияти самарадорлиги ошган бўларди.

Гап ҳарбий психолог ва социолог фаолияти ҳақида борар экан, унинг самараси, яъни натижадорлиги қандай мезонлар билан ўлчанади, деган ҳақли савол туғилади. Бу бежиз эмас, чунки «тадбир тадбир учун» қабилида иш юритаётган соҳа вакиллари ҳам йўқ эмас. Шу маънода, ҳарбий жамоадаги интизом, жанговар тайёргарлик ҳолати, ўзаро муносабатлардаги ижобий кўрсаткичлар ва оилалардаги соғлом маънавий муҳит улар фаолиятининг ўлчови бўлиши мақсадга мувофиқ. Баъзи бир амалиётчи психологлар билан суҳбатлашганимизда, «хулосаларимиз командир учун тавсиявий характергагина эга, қолаверса, ҳарбий либосда бўлишимиз фаолиятимизга монелик қилади, чунки бу вазиятда аскар ва сержантлар бизни командир мақомида қабул қилишади», деган фикрни билдиришди. Агар масалага чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, ҳар қандай янгиликнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши осон кечмаслиги тайин. Бунинг учун бирозгина вақт ва саъй-ҳаракат қилиш талаб этилади.

Масаланинг долзарблигини эътиборга олиб, **муассасамизда шу йилнинг 14 февраль куни «Ҳарбий фаолиятда психологик ва социологик хизматнинг тутган ўрни ва роли» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказмоқчимиз.** Мақсадимиз – мен юқорида қисман таъкидлаб ўтган муаммоларни мутахассислар билан муҳокама қилиб, бир тўхтамга келиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, психология ва социологияда назариясиз амалиёт, амалиётсиз эса назария бўлмайди, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, амалиётчи психолог ва социологнинг вазифаси муаммога ечим топиш билан бир қаторда, унинг олдини олишдан иборат. Яъни назария амалиётдан бирозгина олдинда юриши зарур. Демак, Қуролли Кучлар тизимида фаолият юритаётган ҳарбий психолог ва етакчи социологлар ўз фаолиятларини шундай режа асосида олиб боришлари зарурки, биринчидан, у барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини қамраб олиши, иккинчидан, иш тизимли равишда изчиллик билан олиб борилиши, шунингдек, ҳар бир жузъий иш хулосаларидан бошқа ишларда фойдаланилиши зарур, токи ҳар бир ҳарбий хизматчининг ва ҳар бир бўлинманинг аниқ ижтимоий-руҳий портретини яратишга эришайлик!

Чори НАСРИДДИНОВ,
Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти Гуманитар фанлар кафедраси доценти

ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

Иккинчи жаҳон уруши йилларида

ўзбек тилида 3 та фронт, 3 та дивизия газеталари чоп этилган

«Ватан учун», «Фронт ҳақиқати», «Ватан шарафи учун», «Совет жангчиси», «Суворовчи», «Қизил аскар», «Қизил армия», «Қизил аскар ҳақиқати», «Душманга қарши олға», «Суворов натиски», «Бонг» ва бошқа фронт газеталари жангчиларимизнинг доимий, ягона суҳбатдоши эди. Газеталар жангчиларга ўз жанговар маҳоратларини такомиллаштириб бориш, ўтган жанглар тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш ва бўлажак жангларга тайёргарлик кўриш, мураккаб жанговар техникани муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам бериш, мамлакат халқларининг қаҳрамонона тарихи ва дунёда рўй бераётган воқеалар ҳақида маълумотлар берган.

Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб фронт газеталари материалларидан намуналар бериб боришни лозим топдик.

ТАҲРИРИЯТ

ҚАҲРАМОНИМИЗ

Н.чи қисмнинг пиёда аскарлари ҳужумга ўтдилар. Пулемётчи Аҳмаджон Шукуров жангчиларимизга қараб ўқ ёғдираётган душманнинг ўқ очиш нуқталарини емиришга киришди. У пулемётдан мерганларча ўт очиб, душманнинг бешта ўт очиш нуқтасини яксон қилди.

Немислар кўп вақт ўтмай қарши атакага ўтдилар. Ботир пулемётчи Аҳмаджон Шукуровнинг қалби қаҳр-ғазабга тўлди. У душманни 70 – 80 метр яқинга келтириб, бирданига пулемётдан ўт очди ва бир зумда 60 гитлерчини қириб ташлади. Душман жон талвасаси билан ҳамла қилишда давом этди ва пировардида Шукуровни ярадор қилиб, унинг пулемётини ишдан чиқарди. Ўзбек фарзанди Шукуров ярадор бўлишига қарамай, немисларнинг пулемётини қўлга киритди ва уни душманнинг ўзига қаратиб ҳамла қилувчи гитлерчилар устига ўқ ёмғирини ёғдирди. Йиртқичлар Шукуровнинг ўлжа олган пулемётини ҳам ишдан чиқардилар. Бироқ ботир жангчи бу билан ўз жанговар маҳоратини пасайтирмади. Сержант Шукуров кўп ўйлаб турмай автоматни қўлига олиб, душман аскарини тутдек тўка бошлади. Совет жангчиларининг шиддатли ўтига чидаш беролмаган душман жанг майдонида кўп ўлик, қурол-аслаҳалар қолдириб, тум-тарақай бўлиб чекинишга мажбур бўлди.

ЕМИРИШ ОНИУПАНТЛАРИГА ЎЛИМ!

СУВОРОВЧИ

ҚИЗИЛАСКАР ГАЗЕТАСИ

ПАНБА 1 январь 1944 йил. Красноармейская газета „СУВОРОВЕЦ", на узбекском языке. № 1 (84)

Аҳмаджоннинг қувватига яна қувват, ғайратига ғайрат қўшилди. У бор кучи билан олға томон босиб: «Ватан учун, халқимизнинг бахт-саодати учун олға!» деб қичқирди ва қишлоқ кўчасига биринчи бўлиб бостириб кирди. Унинг орқасидан бошқа жангчилар ҳам эргашдилар. Шиддатли кўча жанглари бошланиб кетди. Аҳмаджон ертўладан туриб ўқ узаётган гитлерчиларга қаратиб гранаталар ирғитди ва бу ерда ҳам 15 гитлерчини жаҳаннамга юборди.

Ватанимиз Аҳмаджон Шукуровнинг қаҳрамонлигига юксак баҳо берди, Олий Совет Президиумининг фармони билан унга «Қаҳрамон» деган унвон берилди.

«Суворовчи» газетаси, 1944 йил январь ойидаги 1-сонидан. Иккинчи Болтиқбўйи фронти

УЧ СОАТ БИР УМРДЕК...

> Бугунги кунга келиб аён бўлмоқдаки, жуда кўп уруш қатнашчиларининг номлари, кўрсатган жасоратлари ва хотираларига етарлича эътибор қаратилмаган экан. Ушбу мақолада ана шундай инсонлардан бири Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси марҳум Солижон Аҳмедовнинг ҳаёт йўли, жасорати ҳақида сўз юритамиз.

Солижон Аҳмедов «Қизил юлдуз» орденига тавсия қилинганлиги, лекин унга I даражали «Ватан уруши» ордени берилганлиги тўғрисида 1943 йилдаги «Тақдимнома» қўлимизда турибди. Мазкур «Қизил юлдуз» ордени 77 йилдан кейин бўлса ҳам, ўз эгаси кўксида (вафот этган бўлса ҳам) ярақлаши ва келажак авлодни Ватан озодлиги учун ҳалок бўлганларни унутмасликка чорловчи маёқ бўлиб порлаши керак.

У 1918 йилда Фарғона вилоятида туғилган, «Озод» МФЙ Озод маҳалласида яшаган. У ғалабани Берлинда нишонлаб, 1945 йилда жонажон қишлоғи Бувайдага қайтиб келган. Узоқ йиллар юрт равнақи йўлида хизмат қилган. Иккинчи жаҳон урушида афсонага тенг жасорат кўрсатиб, 2008 йилда вафот этган.

Лейтенант Аҳмедовнинг жанглардаги жасоратини ҳаётий лавҳалар мисолида келтирмоқчимиз.

1943 йилнинг 4 сентябрь куни қаҳрамонимиз командирлик қилаётган 76 мм.ли тўп расчёти душман танклари ҳужуми кутилаётган шаҳар ҳудудидаги «Красний гигант» совхози далаларида плацдармни эгаллади. Тўп душман сезмайдиган даражада ниқобланиб, буғдойзорга жойлаштирилди. Командир ҳаммага жангга қадар дам олишга рухсат берди.

Жанг олдидан тўпчиларга: «Олдимизда муҳим вазифа турибди, келаётган душман танкларини қандай бўлмасин 3 соат тўхтатиб туришимиз керак. Ортимизда бепоён юртимиз, ота-оналаримиз, Ватанимиз турибди! Ватанимизни эса душманга бериб қўймаймиз, яшил ракета отилганда ёрдамчи жанговар кучлар шу ерда бўлади», деди у. Командирнинг қисқа нутқидан таъсирланган тўпчилар бирданига баралла овоз билан, бир томчи қонлари қолгунча душман билан жанг қилишга тайёр эканликларини билдиришди.

Кўп ўтмай танклар овози эшитила бошлади. Командир дурбинини олиб, буғдой ғарамларига ўхшаш ниқобланган танкларни санай бошлади. Етмишдан ортиқ немис танклари борлигини айтди. Кўтарилаётган чанг-тўзон осмон билан бирлашгандек бўлди. Жанг бошланганини билдирувчи ракета отилди. Танклар ҳужумга ўтди. Даҳшатли жанг бошланди. Аҳмедов тўпни пана қилиб турган буғдой пояларининг маҳкамлигини текширишни ва 2 та тутун тарқатувчи «шашка» тайёрлаб қўйишни буюрди. Шундан сўнг душман танкидан биринчи снаряд отилиши билан тўпдан 20 метр олдинга тутун тарқатувчи шашкаларни ташлашни айтди. Масофа 400 метр қолганда отилган снаряд душманнинг иккинчи танкига тегиб, ёна бошлади.

Аҳмедов тўпига 200 метр қолганида биринчи танк бирдан бурилиб, ён томонга кета бошлади. Унинг бу манёври айни муддао эди. Танк минораси, корпусга ёпишган жойи мўлжалга олиниб, яна ўт очилди. Снаряд мўлжалга шундай аниқ тегдики, танкнинг стволли минораси ағдарилиб, танк қора тутунда қолади. Лейтенантнинг ёнгинасида кимдир автоматдан ўқ узиб, танкдан ўрмалаб чиқаётган фрицни отиб ташлайди. Лейтенант «Баракалла!» дея баланд овоз билан жангчиларни янада руҳлантиради.

Ўнг томондаги қўшни тўплардан ҳам тинмай снаряд отилар, ёнаётган танклар сони тобора ортиб борарди. Командир тайёрлаб қўйилган иккита тутун тарқатувчи «шашка»ни тўпни пана қилиш мақсадида портлаган снаряд чуқурига ташлашни буюрди ва «Ҳамма ерга ётсин! Бизни кузатишаяпти. Ҳозир бизга снаряд отилади. Ҳеч ким ўрнидан турмасин! Бизни ҳалок бўлган деб ўйлашсин!» дея баланд овозда буйруқ беради. Танкдан отилган ўқ тўп устидан учиб ўтиб, орқада портлайди. Шундан сўнг ҳамма ўрнидан туриб, ўқ узган фашист танкини портлатишади. Тўпчиларнинг ҳаммаси чанг ва тердан қорайган, порох ҳиди анқиб турган юзлари қоп-қора, тишлари ва кўзларининг оқи ғира-шира кўриниб турарди. Лекин ҳамма ўз вазифасини эпчиллик билан бажарар эди. Тўпдан ҳар гал ўқ отилганда, «Мана бу ўқ ваҳшийликларинг учун! Мана буниси йўлларда симёғочларга осилган бегуноҳ кишиларимиз учун! Буниси ваҳшиёна ўлдирилган гўдаклар учун! Мана бу дўстим Сафонов учун, Онищенко учун!» дея снарядларни бирин-кетин отиб, танкларни тим қора-қизил тутунда портлатади.

Ана шу шиддатли жанг 1943 йилнинг сентябрь ойида бўлган эди. Лейтенант Солижон Аҳмедов жангдаги жасорати учун 1943 йил 6 сентябрда «Қизил юлдуз» орденига тақдим этилди ва 46-армия артиллерия қўмондонининг 1943 йил 12 октябрдаги 07-буйруғи билан I даражали «Ватан уруши» ордени билан тақдирланди. Ҳужжатда шундай дейилади: «Красний гигант» совхози территориясида бўлган жангларда лейтенант С. Аҳмедов тўп расчёти 13 та душман танкини яксон қилди. Шулардан 5 тасини ҳалок бўлган наводкачи ўрнини эгаллаган лейтенант С. Аҳмедовнинг ўзи сафдан чиқарди».

Лейтенант Солижон Аҳмедов жангларда бир неча маротаба яраланди, даволаниб, яна шиддатли жангларга кирди. Унинг жанговар хизматлари далили сифатида кўксини I даражали «Ватан уруши» ордени, «Жасурлиги учун», «Будапешт учун» ва кўплаб орден ва медаллар безади.

Ф. УСАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи-методик марказ бўлими мудири, сиёсий фанлар номзоди.
М. ХЎЖАЕВ, ўқитувчи
Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Тоғлиқ қишлоғи,

КЎЗГУ

ЭЙНШТЕЙННИНГ ДОНОЛИГИ

ёхуд ошиқ олим ва жосус хоним қиссаси

Тарих – энг яхши устоз, унинг шогирдлари эса энг ёмон шогирдлардир.

Индира ГАНДИ

Сиёсий ўйинлар жуда қизиқ, дунё тарихида уларнинг турли кўринишларини учратиш мумкин. Шулардан биттаси – АҚШда атом бомбаси яратилиши ва унинг сирини билиб олиш йўлида собиқ Иттифоқнинг қилган найранглари алоҳида эътиборга лойиқ.

Маълумки, ядро қуролининг яратилишида буюк олим Альберт Эйнштейннинг илмий тадқиқотлари ва ихтиролари муҳим аҳамият касб этган. Собиқ Иттифоқ эса мазкур қурол сирларини билиб олиш учун энг йирик рақиби бўлмиш бу давлатга жосусларини юборганди. Улардан бири – ўз давлати манфаатлари учун Эйнштейн билан ишқий алоқалар боғлаб, натижада ўзи ҳам олимга боғланиб қолган гўзал Маргарита Коненкова эди. Аммо ўшангача буюк олимни «фақат пахмоқ сочлари билангина машҳур», дея ҳазил аралаш гапириб юрган, «Лукас» лақаби остида фаолият олиб борган бу аёл Эйнштейн билан учрашгач, уни чиндан севиб қолиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бўлса керак.

1998 йилда шу пайтгача номаълум бўлган, буюк олим томонидан маъшуқасига йўлланган тўққизта ишқий мактуб Нью-Йоркдаги «Сотби» аукционида сотувга қўйилди. Мазкур хатлар ҳамда Эйнштейн ва Коненкова биргаликда тушган бешта сурат *(улардан биттасининг орқасига «нисбийлик назариясининг отаси» ўз қўли билан: «Самимий муҳаббатим рамзи. А. Эйнштейн» дея ёзиб берган)*, шунингдек, Коненкованинг чарм қопламали манзиллар дафтари *(унда Эйнштейннинг Принстон ва Саранак-Лейкдаги манзиллари ёзилган)* ва олимнинг маъшуқасига хайрлашув совғаси – тилла соат ҳам жуда кўп нарсалардан далолат берарди...

Сарапуллик гўзал

Сарапул шаҳарчасидаги оддий бир оилада туғилган Маргарита Ивановна Воронцова 1915 йилда Москвага келиб, ҳуқуқшуносликка курсларига қатнай бошлади. У Поварская кўчасида, шифокор Иван Бунин хонадонида турарди. Маргарита билан танишиб қолган бир ёш ҳайкалтарош уни санъаткорлар доирасига жалб этди, бу ерда эса сал ёши ўтган, бунгача танилиб улгурган буюк рус ҳайкалтароши Сергей Коненков уни севиб қолади.

Ҳа, бу қиз кишиларда ўзи ҳақида яхши таассурот уйғотишни уддаларди. Сергей Тимофеевичнинг муҳаббати эса шу қадар кучли эдики, «кекса ошиқ»дан узоқроқда сақлаш учун Маргаритани юртига олиб кетишганида, унинг изидан Сарапулга ҳам борди. Барибир оила қуриш уларнинг тақдирига ёзилган экан, ёш ва гўзал Маргарита ўзидан анча катта, аммо машҳур ва феъли кенг Коненковга турмушга чиқди.

Маргарита пойтахт ҳаётига тезда мослашиб кетди: у олиймақом доираларда Коненков билан бирга, ял-ял ёниб пайдо бўлар ва кўпчиликнинг эътиборини тортарди. Бироқ уларнинг ўзаро муносабатларини соф деб бўлмасди, чунки Маргарита ўша даврнинг машҳур кишилари – Сергей Рахманинов ва Фёдор Шаляпин кабилар билан ҳам ишқий саргузаштларни бошидан кечиргани маълум. Кейинроқ хорижда юрганида ҳам унинг эмиграцияда бўлган рус зодагонлари, масалан, ҳайкалтарош Бромирский ва бошқа машҳур шахслар билан «дон олишиб» юргани ҳақида гап-сўзлар бор... Эри, афтидан, буларнинг барини билган, аммо ёш хотининнинг бу ишларига унчалик фожиа, деб қарамаган.

Муҳожирлик

1923 йили Коненковлар оиласи рус ва совет санъати кўргазмасида қатнашиш учун Нью-Йоркка йўл олишди. Бу ташриф расман бир неча ойга белгиланган бўлса-да, улар АҚШда йигирма йилдан зиёд яшаб қайтишди. Тағин мазкур хонадоннинг ўз Ватанига қайтиши масаласига шахсан Сталиннинг ўзи аралашган: у Сергей Коненковнинг кўп сонли ижодий ишларини кўчириб келиш учун алоҳида пароход ажратишни буюрган, Москвада эса унинг устахонаси учун Горький кўчасидан жой тайёрлаб беришган.

Бир пайтлар чет элга чиқиб кетиб, қайтганларидан кейин бирортасига бунчалик эътибор берилмаганлиги сабаб Коненковларга ғаразли кўз билан қарайдиганлар ҳам кўпайди. Мамлакат ҳаётининг оғир йилларида Коненковлар юрт қайғусига шерик бўлмасдан, хорижда роҳат-фароғатда яшаганига қарамай, ҳукумат уларга мўл-кўл имкониятлар тақдим этганлиги кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлди.

Иш шу даражага бориб етдики, Маргарита Коненкова «ўзининг ва С. Т. Коненковнинг Ватан олдидаги хизматларини эътиборга олган ҳолда», уларнинг оиласини асоссиз айбловлардан сақлашни илтимос қилиб шахсан Лаврентий Берияга мурожаат қилган. Буюк ҳайкалтарошнинг Ватан олдидаги хизмати-ку маълум, аммо Маргарита Коненкованинг хизмати нима бўлди экан?

Сирли алоқалар

ХХ асрнинг 30-йиллари – Коненковлар хонадонининг Америкадаги ҳаёти мобайнидаги энг сирли даврдир. 20-йиллардаги ҳамма нарса маълум – қимматбаҳо буюртмалар, кўргазмалар, дунёни лол қолдирган муваффақиятлар... Яна бир муҳим маълумот: мазкур хонадонга жуда кўп буюк кишилар ташриф буюришар, катта меҳмондорчиликлар бўларди. Сергей Тимофеевич у ерда русчасига ёгочдан бар ясаганди, гармон чаларди, Маргарита эса ҳамманинг кўзини ўйнатиб, унинг ёнида ўйнаб-кулиб юрарди. Айтиш керакки, кўпчилик таниқли америкаликлар бу ерга айнан Маргаритани кўриш учун келишар, Коненковнинг улардан ҳайкалга буюртма олишига ҳам кўп ҳолларда хотини сабаб бўларди. Аммо негадир кейинроқ Коненков кутилмаганда ўз устахонасига қамалиб, зоҳидона ҳаёт кечира бошлаган...

Коненковлар архивидаги фотосуратларни йиллар бўйича териб кўздан кечириш кимнинг хаёлига келганлиги номаълум, лекин бу иш кутилганидан кўра кўпроқ натижа берган. Энг биринчи суратда Коненковлар жуфтлиги Эйнштейнлар оиласи билан бирга акс этган. Кейингиларида эса Сергей Коненков орадан чиққан, фақат Эйнштейннинг яқинлари ва Маргарита Коненкова тушган.

Энг катта сюрприз бўлган фотосуратда эса Маргарита Коненкова ва Альберт Эйнштейн, унинг хотини Эльза, ўғай қизи Марготдан ташқари, яна бир нотаниш киши ҳам табассум қилиб турарди. Коненковларнинг Москвадаги музейига келган америкаликлардан бири эса суратдаги бу кишини дарров таниди: у «Манхэттен» ядро лойиҳаси раҳбари Роберт Оппенгеймер эди! Демак, совет ҳайкалтарошининг хотини «Америка атом бомбасининг отаси» билан ҳам боғланган экан...

У жосус экан!

Бу каби чигалликларга жавоб эса собиқ Иттифоқ НКВД-НКГБнинг қочоқлар ишлари билан шуғулланувчи Тўртинчи бўлимини бошқарган истеъфодаги генерал-лейтенант Павел Судоплатовнинг вафотидан олдинроқ чоп эттирган эсдаликларидан чиқиб қолди. Унинг таъкидлашича, Маргарита Коненкова



аслида «Лукас» лақаби билан ишлаган совет агенти экан! Судоплатов ўзининг «Разведка ва Кремль» номли китобида шундай ёзган: «Машҳур ҳайкалтарош Коненковнинг хотини, Лиза Зарубина (НКВДнинг АҚШдаги резиденти Василий Зарубиннинг хотини) раҳбарлигида ишлаган бизнинг ишончли агентимиз Принстонда йирик физиклар Оппенгеймер ва Эйнштейн билан алоқа боғлади. У Оппенгеймернинг атрофидагиларни ўзига қарата билди. Оппенгеймер Америка компартияси билан алоқани узгач, Лиза Зарубина ва Нью-Йоркдаги бизнинг резидентурамиз ходими Пастельняк (Лука) раҳбарлиги остида Коненкова унга таъсир ўтказиб турди, бундан аввалроқ эса ўзларининг сўл қарашлари билан танилган мутахассисларни ишга олишга уни кўндирганди...»

Судоплатов яна шундай ёзган: «Ўша пайтда ҳали ҳаммадан сир тутилаётган «олий қурол»ни яратиш ишлари билан машғул бўлган, Эйнштейн атрофида фаолият юритаётган олимлар доираси билан боғланиш операцияларида Михоэлс ва Феферинг ҳам роли муҳим. Бу одамлар Эйнштейнга яқин бўлган рус эмигрантлари – Коненковлар оиласи орқали, оғзаки тарзда бўлса ҳам Принстонда Ферм ва Оппенгеймер иштирокида кўриб чиқилаётган янги «олий қурол»нинг келажаги тўғрисида муҳим маълумотларни бизга етказишди. Зарубинлардан ташқари, АҚШдаги бизнинг разведкамиз йўналиши бўйича Хейфец ва Пастельняк ҳам шуғулланишган».

«Лукас»нинг вазифасига «Манхэттен» лойиҳаси доирасида ядро қуроли яратиш ишлари билан машғул олимларга таъсир ўтказиш кирар эди. Коненкова Эйнштейнни Нью-Йоркдаги совет элчисининг ўринбосари, илмий алоқаларни назорат қилувчи Павел Михайлов билан учраштириши лозим эди. Маълумотларга кўра, «Лукас» ўз ишини бажарган кўринади – Эйнштейн ўз хатларида элчи ҳақида қистириб ўтган.

Олимнинг ишқ тарихи

Йигирма ёшида уйланган Альберт Эйнштейннинг биринчи хотини – серб қизи Милева Марич ундан тўрт ёш катта эди. Уларнинг ўғли Ганс-Альбертнинг кейинроқ ёзишича, онаси аламни кечирмайдиган, қайсар аёл бўлиб, эр-хотиннинг ораси унчалик яхши бўлмаган. Биринчи фарзанди дунёга келиши арафасида Милева туғиш учун ота-онасиникига – Сербияга кетган ва янги туғилган қизи Лизерлни қолдириб келган. Уларнинг кейин ҳам икки ўғли бўлган, аммо ўзаро муносабатлари совуқлигича қолган. Аёлларнинг кўнглини овлашга уста бўлган эрини рашк қилавериб, Милева унинг жонига теккан. Охири улар ажрашишга қарор қилишди, бироқ уста математик бўлган аёл ажрашиш пайти шундай шарт қўйган: Альберт келажакда оладиган Нобель мукофотини унга бериши шарт! Гап шундаки, бунақа мукофот олишини Эйнштейн ўша пайтлари хаёлига ҳам келтирмаганди.

У билан ажрашгач, анчадан буён Альбертнинг атрофида гирдикапалак бўлаётган қариндоши Эльза пайтдан фойдаланиб қолди. Замондошларининг айтишларича, у «фақат безанишни, тақинчоқларни, ширинликларни ва Эйнштейнни севган» экан. У эрини қаттиқ яхши кўриб, ғамхўрлик қилиш билан бирга, худди ялмоғиздек уни ҳаммадан қизғанарди. Эльза фақат ширинликлар еб уйда ўтиргани учун семириб кетган, аммо кўнгли осмонда эди. Олимнинг ўзи ҳашаматларга бефарқ эди, лекин Маргарита билан учрашгач...

Коненковнинг устахонасига Альберт Эйнштейн илк бора 1935 йилда ташриф буюрганди, чунки Принстон университети маъмурияти физикнинг бронза бюстини ясаб беришни рус ҳайкалтарошига топширганди. Аслида бу икки хонадон аввалроқ, Эйнштейннинг ўғай қизи Марготнинг ташаббуси билан ўзаро танишгандилар. Ўшандан бери Маргарита ва Маргот яқин дугона бўлиб қолишганди.

Кўпинча ошиқ-маъшуқлар ҳақида: «Улар бир кўришдаёқ бир-бирларини севиб қолишди» сингари гаплар айтилади. Аммо Альберт ва Маргарита жуфтлигида ҳаммаси бошқача бўлган. Буюк физик ва Коненкованинг муносабатлари бошланган пайт олим 56, жосус хоним эса 39 ёшга кирган эди. Бу муносабатлар аста-секинлик билан ривожланиб борган. 1936 йилда Эйнштейннинг иккинчи хотини Эльза вафот этгач, Маргарита унинг ўрнини мустаҳкам эгаллаб олди.

Муҳаббат учбурчаги

Даҳо ҳайкалтарош Сергей Коненков бир мартагина – Эйнштейннинг бюстини ясаш учун Принстонга борган, бир кўришдаёқ олимнинг юз ва гавда тузилишини синчиклаб ўрганиб олиб, кейин «оригинал»сиз ҳам ишини якунлаган. Маргарита эса турли баҳоналар билан тез-тез Принстонга борадиган бўлиб қолди. Унинг олим билан алоқалари асосан муҳаббат йўналишида бошланган бўлса-да, Коненкова ўзининг асосий вазифаси – жосуслиқни ҳам эсдан чиқармаганди.

Альберт Эйнштейн ҳам Маргаритани чинакамига севиб қолди; у билан кўпроқ бирга бўлиш мақсадида ҳатто

▶▶

ҳийла ишлатди – Сергей Коненковга хат ёзиб, Маргаританинг «жиддий касал» эканлигини маълум қилди. Эйнштейн ўз шифокор ўртоғига тайёрлатиб олган касаллик маълумотномасини ва Коненкованинг «кўпроқ вақтини иқлими соз бўлган Саранак-Лейкда ўтказиши» ҳақидаги тавсияномасини ҳам мактубга илова қилиб жўнатган. Саранак-Лейкда эса Альберт Эйнштейн ижарага коттеж олганди ва ўз хусусий яхтасини сақларди. Буюк ҳайкалтарош алдовга ишонди ва хотинининг соғлиғидан хавотирланиб, уни жўнатиб юборди.

Эйнштейн ва Коненкова орасидаги муҳаббат аста-секин кучайиб борган ва айни айрилиш палласида – 1945 йилнинг августига келиб, авж палласига кўтарилган. Аммо шунча вақт давомида Маргарита уч кишининг – Эйнштейн, Коненков ва ўз бошлиғи бўлмиш НКВД офицери Пастельнякнинг орасида чопишига тўғри келган. Дарвоқе, Пастельнякни у элчи ўринбосари Павел Михайлов тарзида Эйнштейн билан учраштирган ҳам. Шу тариқа, у бир вақтнинг ўзида учта мураккаб ролни ижро этган – улуғ ҳайкалтарошнинг хотини, буюк олимнинг жазмани ва НКВД жосуси...

Хатлар мазмунига кўра, Эйнштейн ва Коненкова ўзларининг «ошиқона луғат»ларидан фойдаланганлар. Принстондаги махфий учрашув жойини «уяча» деб аташган, ҳар иккаласининг исмларидан биринчи бўғинларини бирлаштириб, ўзлари учун умумий ном – Альмар деган исмни ўйлаб чиқаришган. Шу тариқа «Альмарнинг кўрпаси», «Альмарнинг креслоси», «Альмарнинг трубкаси» вужудга келган...

Буюртма ва ажралиш куйи

1945 йил август ойининг ўртасида Коненковлар ватанларига қайтишди, ажралишдан олдин Маргарита ўз севгилисининг олдига шошилинч тарзда бориб келди. Бундан бир ой олдин, 16 июль куни Нью-Мексико штатида американликлар дунёдаги илк атом бомбасининг синов ишларини муваффақиятли ўтказгандилар. Янги портловчи мосламанинг барча сифат ва белгилари ҳамда тахминий синов куни ҳақидаги хабарни эса НКВДнинг Нью-Йоркдаги резидентураси икки ҳафта бурун Москвага етказганди.

Хўш, Эйнштейн ўз маъшуқасининг «бошқа нияти» ҳам борлигини билганми? Хатлар мазмунига қаралса, у буни билган ва севгилисининг ҳурмати учун унинг илтимосини бажо келтирган. Ҳар ҳолда ўша охирги учрашувларда Москвадан тегишли рухсат келгач, Коненкова унга ҳаммасини очиқ-ойдин айтиб берган. Олим ҳам, агар рад этса, маъшуқасига оғир бўлишини билган ва фақат унга бўлган муҳаббати туфайлигина СССР разведкаси билан боғланган. Дарвоқе, видолашаётиб, у Маргаритага тилла соатини ҳадя этган; зеро, мангуга хайрлашаётганларини ҳар иккови тушуниб туришарди.

Кейинроқ Коненковлар қайтиб келгач, унга ёзган хатларидан бирида Эйнштейн совет разведкачиси билан учрашганлиги, ҳатто оиласида ҳам бўлганлиги ҳақида ёзган. Шунингдек, кейинги хатларидан бирида у Маргаритадан, «собиқ буюртмачилар» қистовга олмаяптими, деб ҳам сўраган. Маъшуқасининг мамлакатидаги мазкур буюртмачилар ҳеч қачон «собиқ» бўлмаслигини у билмасди-да.

Коненковларнинг шошилинч ва бехавотир тарзда АҚШдан Москвагача етиб келишлари СССР ҳукумати ҳамда НКВДнинг АҚШдаги вакиллари томонидан тўлиқ таъминланди. Сиэтлгача махсус поездда етиб келган оила аҳлини кутаётган кема Владивостокка олиб келиб қўйган, бу ёғи пойтахтгача яна махсус поезд.

НКВД ташқи разведкаси раҳбари Павел Фитин Нью-Мексико штатида 16 июлда ўтказилажак илк атом бомбаси синови ҳақидаги хабарни, юқорида таъкидлаганимиздек, икки ҳафта олдинроқ Сталинга, Молотовга, Берияга ва совет атом лойиҳаси раҳбари Курчатовга етказганди. Шунинг учун ҳам 1945 йилнинг 18 июлида – Потсдам конференциясининг очилиш куни АҚШ Президенти Гарри Трумэн янги, «ғайриоддий вайронкор кучга эга» қурол яратишганини Сталинга айтганида, советлар етакчиси пинагини ҳам бузмади. Буни кўрган Англия Бош министри Уинстон Черчилль, *«Сталин ҳеч нимани тушунмади»*, деб ўйлайди. Бироқ у адашганди: 1945 йилнинг 18 августидаёқ СССР Давлат Мудофаа Комитетининг 9887-сс/оп сонли қарори қабул қилинди. «ДМК қошидаги махсус комитет тўғрисида»ги бу қарорга кўра, Совет Иттифоқида атом бомбасининг яратилиши саноат асосида йўлга қўйилди, Берияга эса бу ишларда разведка маълумотларидан фойдаланиш чораларини кўриш топширилди. Мазкур мақсадларда илгаридан олиб борилаётган жосуслик ишлари кенг тармоқли бўлиб, айниқса, американлик атомчи-физиклар билан алоқа боғлашга ҳаракатлар қилинаётганди. Маргарита Коненкова мана шу занжирнинг бир ҳалқаси бўлиб хизмат қилган.

Совет бомбаси: «Made in USA»ми?

Хўш, Эйнштейн ўз мамлакатининг ашаддий душманига атом бомбасини яратишда ёрдам берганми, йўқми? Бу саволга турли томонлар турлича жавоб беришади.

Йель университети тарих профессори Гэддис Смитнинг таъкидлашича, буюк олим ядро лойиҳасига аралашмаган, Лос-Аламос, Ок-Ридж ёки Чикаго лабораторияларида ишламаган эмиш.

«Сотби» аукциони консультанти Паул Нидхэм ҳам ўзини Эйнштейннинг ишқий саргузаштларини кашф қилган киши сифатида баҳоласа-да, унинг севгилиси учун совет разведкасига ёрдам берганига ишончи комил эмас.

Ўз навбатида, Россия Федерацияси махсус хизматлари умуман бошқача баённот билан чиқишди: совет разведкасини Альберт Эйнштейн мутлақо қизиқтирмаган эмиш!

Аммо бу таъкидлар биринчи қарашдагина ўринли кўринди. Тўғри, Эйнштейн мазкур лойиҳага тўлалигича аралашмаган, аммо бомба яратилиши жараёни ҳақида тўлиқ маълумот олиб турган. Президент Рузвельтни ядро устида ишлар олиб боришга айнан у ундаганини эслаш кифоя. Яна бир муҳим деталь: Коненковларнинг Америкадан чиқиб кетиши Нью-Йоркдаги резидентура ходими Анатолий Аяцков назорати остида бўлган; унга эса совет атом лойиҳасига қўшган ҳиссаси учун вафотидан сўнг «Россия Қаҳрамони» унвони берилган.

Аслида қандай бўлганди? Балки бу саволга аниқ жавоб Россия Федерацияси ташқи разведкаси архивидан чиқиб қолар. Ахир Сергей ва Маргарита Коненковларнинг чет элда бўлиши билан алоқадор барча ҳужжатлар у ерда, 137993 ва 137994 рақамлари остида ҳозиргача махфий сақланаётир...

Хулоса

Маргарита Коненкова юртига қайтгач, унинг Эйнштейн билан ёзишмалари яна ўн йил – олимнинг ўлимига қадар давом этди. Уларда айрилиққа дош беролмаган олимнинг ғуссага ботиб, чўкиб қолганлиги яққол намоён бўлиб туради.

1945 йил 25 декабрда ёзган мактубида Эйнштейн ўз аҳволини шундай тасвирлайди: *«...Мен сочларимни буткул ўз ҳолига ташлаб қўйдим, улар ғайриоддий тарзда тўкилиб кетяпти. Тез орада ҳеч нима қолмайди. «Уяча»миз ҳам ташландиқ ҳолга келиб, ҳувиллаб қолгандай, гўё. Агар унинг тили бўлганида ҳам, бирор нарса демаган бўларди. Мен ҳозир тиззаларимни «Альмарнинг кўрпаси» билан ёпиб, буларни ёзиб ўтирибман, дераза ортида эса зим-зимистон тун...»*

Хулоса ўрнида бир фикрни таъкидлашни истардик. Хўш, Альберт Эйнштейн атом бомбаси сирини ўз давлатининг ашаддий душманига шундайлигича тақдим этишига фақатгина ўтли муҳаббат сабаб бўлганми? Ўйлашимизча, ундай эмас. Балки олим дунё тарозиси паллаларининг бир томонга оғиб кетишини истамагандир. Балки шунинг ўзи ҳам Эйнштейннинг қанчалик доно инсон бўлганини тасдиқлар!

Интернет маълумотлари асосида Исломжон ҚЎЧҚОРОВ тайёрлади.

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ЁШЛАР СПОРТ ТЎГАРАКЛАРИГА ЖАЛБ ҚИЛИНЯПТИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Сурхондарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Термиз автомобиль мактабида ҳайдовчилар тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини янада ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.



Хўжалик ҳисобида фаолият юритаётган автомактабимизда 2019 йил ижобий самарадорликка эришилди. Натижада халқ хўжалиги учун 550 нафар «В», «ВС» тоифали ҳайдовчилар тайёрланди.

Бундан ташқари, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида мактаб қошида ёзги биатлон, триатлон ҳамда ҳаво милтиғидан ўқ отиш каби спорт секцияларида 36 нафардан ортиқ ёшлар мунтазам шуғулланиб келяпти.

Спортчи ёшлар кўплаб нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Масалан, ўтган йили мотокросс бўйича ўтказилган республика чемпионатида спортчимиз Владимир Понивен фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган бўлса, триатлон мусобақасида яна уч нафар спортчимиз – Гулнора Аҳмедова, Азизбек Ҳакимов ҳамда Мария Белова ҳам иккинчи ўринни эгаллаб, мактабимиз фахрига айланди. Автомобиль мактабимизда ёшларнинг нафақат техник, балки маънавий ва жисмоний томондан ҳам етук бўлишларига эътибор қаратяпмиз. Чунки соғлом фикрли, эркин дунёқарашга эга ёш авлодни тарбиялаш мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотларининг асосий вазифаларидан биридир. Бу масъулиятли вазифани ҳамда амалга оширилаётган тадбирлар кўламини янада яхшилаш мақсадида ҳамкорликда турли ташкилотлар, хусусан, Ёшлар иттифоқи Термиз шаҳар кенгаши, мудофаа ва халқ таълими бўлимлари билан маънавият ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботлари олиб борилмоқда. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ҳамда мусобақалар ўтказилганлиги шулар жумласидандир.

Ёшларни ижтимоий фойдали меҳнат ва оммавий ватанпарварлик ишларига кўпроқ жалб қилиш мақсадида ҳам бир қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Термиз шаҳар ёшлари ва мактаб ўқувчиларининг спорт тўгаракларига жалб этилиши уларнинг камолотида, ўз устида ишлаб, шуғулланиши ҳамда яхши натижаларга эришишида қўл келяпти.

Ҳакимжон АЛПОМИШЕВ, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сурхондарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Термиз автомобиль мактаби бошлиғи

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

РАСМИЯТЧИЛИКДАН ХОЛИ, ҚИЗҒИН МУҲОКАМА

Муаллиф суратга олган

«Ватанпарвар» ва «Фахрийлар» сингари ташкилотлар, шунингдек, Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада кучайтириш ҳамда уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш бўйича ғоят зарур бўлган ишларни биргаликда давом эттиради, деб ишонаман.

(Президентнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригидан)

Қуролли Кучлар давлат музейида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2019 йил якунлари ҳамда 2020 йилда амалга ошириладиган асосий вазифаларни белгилаб олишга бағишланган умумий йиғилиши ўтказилди.

Унда кенгаш раиси ва аъзолари, ишчи ходимлари иштирок этдилар. Тадбир давомида Жамоатчилик кенгаши раиси Иқболжон Мирзаалиевнинг кенгаш, комиссия раисларининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Жамоатчилик кенгашининг минтақавий бўлинмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг ишини ҳарбий округлар қўмондонлиги билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Аслида ҳам айнан ушбу Жамоатчилик кенгашининг самарали фаолияти халқимиз ва миллий армиямиз ўртасидаги узвий бирликни, ҳамфикрлик ва якдилликни янада мустаҳкамлашга эришиш билан бир қаторда мамлакатимизда мудофаа ва хавфсизлик масалаларида олиб борилаётган давлат сиёсатини янада такомиллаштиришга хизмат қилиб келмоқда. Кенгаш аъзолари мудофаа соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчиларга яратилаётган шароит ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда Мудофаа вазирлиги фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-руҳий муҳит, юксак ахлоқ ва маданият сақланишини таъминлаш бўйича ўз тавсияларини бериб келишмоқда.

Шунингдек, йиғилиш давомида Президентимизнинг Қуролли Кучлар ташкил этилганининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табриги ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномасининг мазмун-моҳиятини ўрганиш ҳамда иш фаолиятида татбиқ этиш, кенгашнинг 2020 йил давомида белгиланган вазифалар асосидаги режасини тузиш ва тасдиқлаш каби масалалар кўриб чиқилди. Таклиф ва мулоҳазалар эътиборга олинган ҳолда 2020 йиллик иш режаси тасдиқланди. Истиқболдаги вазифалар белгиланди.

Абдулла ЎКТАМҚУЛОВ

ҲАРБИЙ-ИЛМИЙ ШАҲАРЧАДА

Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари Тошкент вилояти Зангиота туманида яқинда фойдаланишга топширилган Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида, халқаро доирада кампус деб номланадиган ҳарбий-илмий шаҳарчада бўлдилар.

Ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг яшаш ва хизматни ўташнинг ижтимоий-маиший шароитлари ҳамда таъминотини яхшилашга қаратилган давлат дастурлари ижросини ўрганиш, таҳлил қилиш – жамоатчилик назоратини олиб бориш мақсадида ўтказилган тадбирда кенгаш аъзолари ҳарбий институт ва ҳарбий қисм шароитлари билан яқиндан танишиб, курсантлар ва ҳарбий хизматчилар самимий суҳбат қурдилар.

Улар бешта муҳим ташаббус ижроси доирасида ташкил этилган бир неча тўгаракларда билим олиб, ҳунар ўрганаётган ўқувчи-ёшлар билан ҳам учрашдилар. Танишув ва мулоқот давомида кенгаш аъзолари ҳарбий институт раҳбарияти ва ҳарбий қисм қўмондонлигига ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, таълим ва маҳоратни ошириш жараёнларида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича амалий таклиф ва тавсияларини беришди.

Эркин ОТАМУРОДОВ

«МЕН ВАТАННИ ТАРАННУМ ЭТДИМ»

ЖАРАЁН

Маънавият – ёш авлоднинг улғайиши, келажакда кучли ва етук инсон бўлиб камол топиши манбаидир. Бундай фазилатларни ёшлар қалбига чуқур сингдиришда миллий қадрият ҳамда анъаналаримизни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Қуролли Кучлар академиясида Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда ўтказилган «Ватанга муҳаббат – олий қадрият» мавзуидаги маънавий-маърифий тадбирда ҳам шу ҳақда сўз борди.

Академия профессор-ўқитувчилари, курсантлар бир гуруҳ ёзувчи, шоирлар, жумладан, истеъдодли шоир Абдулла Жалилнинг «Мен Ватанни тараннум этдим» деб номланган ижод намуналаридан баҳраманд бўлдилар. Тадбирда сўз олганлар муқаддас ва улуғвор масканимизнинг ҳар бир қаричини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш лозимлиги, Ватан ҳимоячиларининг юрт олдидаги масъулияти бир неча баробар юқори эканини таъкидладилар.

Нозима МАМАТОВА

Танковое училище посетили более 200 школьников

В Чирчикском высшем танковом командно-инженерном училище в день патриотизма на высоком уровне прошёл День открытых дверей. В этот день училище посетили более 200 учеников из пяти школ Кибрайского района Ташкентской области.

В ходе дня патриотизма школьникам был показан документальный фильм об образовании и истории формирования, о последних достижениях Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища. После просмотра фильма между учениками и курсантами состоялась интересная и оживленная беседа, ученики ознакомились с повседневной жизнью и деятельностью курсантов.

День патриотизма продолжился показом вооружения боевой техники. Мальчики и девочки сфотографировались на фоне танков-экспонатов.

Чингиз РАИМБЕРДИЕВ

«Караван патриотизма» в Яккасарайском районе

В рамках очередного дня патриотизма возле памятника А. С. Пушкину состоялась встреча военнослужащих с молодежью. В организованном хокимиятом Яккасарайского района столицы, руководством Академии Вооруженных Сил и районным отделом по делам обороны мероприятии, приняли участие более двухсот школьников.

Цель проведения мероприятия – это прежде всего воспитать у подрастающего поколения любовь к Родине, ознакомить их с военным потенциалом наших Вооруженных Сил.

В ходе мероприятия курсантами были продемонстрированы приёмы рукопашного боя, выступил военный оркестр академии со своей концертной программой, а также состоялся показ вооружения и военной техники.

Завершился день патриотизма исполнением песен о Родине артистами Центрального ансамбля песни и танца Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Абдулла АХМЕДОВ

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ЖАМОА ФАОЛЛИК КЎРСАТМОҚДА

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, техник мутахассислар ҳамда оммавий касбдаги ходимларни тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Сурхондарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Олтинсой тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, бугунги кун талаблари асосида ҳайдовчилар тайёрлашга чуқур эътибор қаратаётган ушбу ўқув-спорт техника клуби жамоасининг ўтган йилда эришган муваффақиятлари мақтовли. Бунга кўра, 500 нафар «В», «ВС» тоифали ҳайдовчилар тайёрлашга эришилди. Шу кунларда ҳам бу йўналишдаги ишлар кўлами янада ривожлантирилиб, бўлажак ҳайдовчиларнинг етарли даражада билим олишлари учун ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлар олиб борилмоқда. Турли русумдаги енгил ва юк автомобиллари улар ихтиёрида.

Ҳамма жойда бўлгани каби Олтинсой туманида ҳам спортни ривожлантиришга катта аҳамият бериляпти. Шу муносабат билан мазкур ўқув-спорт техника клубида салмоқли тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказиляпти. Ҳаво милтиғидан ўқ отиш, ракетамодель, парашют каби секциялар ишлаб турибди. Тўгарак аъзолари туман ва вилоят мусобақаларида иштирок этиб, яхши натижаларни қўлга киритмоқда.

– Ташкилотимизда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида самарали фаолият олиб борилмоқда, – дейди ўқув-спорт техника клуби бошлиғи Муродилла Адиназаров. – Шу боисдан ҳам туман ҳокимлиги, мудофаа ишлари бўлими билан биргаликда чақириққача бўлган ёшлар ва чақирилувчиларни ҳарбий хизматга чақириш даврида олиб бориладиган ташкилий-оммавий ва тарбиявий ишларнинг қўшма режаси ишлаб чиқилган. Хусусан, ёшларни ижтимоий фойдали ҳамда оммавий ватанпарварлик ишларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Президентимизнинг 2019 йил 13 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши ижроси доирасида ватанпарварлик ойлиги давомида «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ҳамда спорт мусобақалари ташкиллаштирилди.

Айни пайтда ҳам туман ўқув-спорт техника клуби жамоаси ёшларни жисмонан бақувват, соғлом ва баркамол этиб вояга етказишдек хайрли ишларда фаоллик кўрсатмоқда.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ ТАРҒИБОТИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Навоий вилояти кенгаши тасарруфидаги Қизилтепа тумани ўқув-спорт техника клуби томонидан ёшлар қалбида она Ватанга муҳаббат ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб вояга етказишдек хайрли ишларда фаоллик кўрсатилмоқда.

«Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши билан ҳамкорликда турли маънавий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Масалан, «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида ўтказилган қатор тадбирлар шулар жумласидандир. Тадбирларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими, Ёшлар иттифоқи Қизилтепа тумани кенгаши, мудофаа, халқ таълими бўлимлари ҳамда маҳалла фаоллари ва мактаб ўқувчилари иштирок этдилар.

– Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли касбга ундайдиган чиқишлар ҳамда Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди, – дейди туман ЎСТК бошлиғи Зокиржон Мирзаев. – Албатта, бундай саъй-ҳаракатлар замирида ёшларни ўз юртига содиқ, онгли фуқаролар сифатида тарбиялаш, уларда ватанпарварлик ғояларини камол топтиришдек эзгу мақсадлар мужассамдир.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, ёшлар спортнинг техник ва амалий турлари билан шуғулланишларига ЎСТКда алоҳида эътибор берилмоқда. Айни пайтда бу ерда ҳаво милтиғидан ўқ отиш, картинг каби тўгараклар фаолият кўрсатиб, уларда ўттиз нафардан ортиқ ёшлар мунтазам шуғулланяпти. Тўгарак аъзоси бўлган Шаҳризода Камолова картинг бўйича ўтказилган республика мусобақасида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Оммавий касб ходимларини тайёрлаш йўналишида беш юздан зиёд номзодлар ўтган йилда «В», «ВС», «D», «E» тоифали мутахассисликларга эга бўлдилар. Шу кунларда ҳам бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Ташкилот моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, ўқув хоналари замонавий кўргазмалар билан жиҳозланди. Бундай амаллар ўз навбатида ҳудудда малакали ҳайдовчилар тайёрлаш имкониятини оширади.

Акбар АЛИ

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС

ТАРИХИЙ ҒАЛАБА – ЎЗБЕК БОКСЧИСИ WBC ҲАМДА IBF КАМАРЛАРИ СОҲИБИ

МҲСК (Марказий ҳарбий спорт клуби, эндиликда MVSK – Mudofaa vazirligi sport klubi) сафида эканлигида бокс бўйича Осиё чемпиони бўлган, 2015 йилги жаҳон чемпионатининг кумуш, «Рио–2016» Олимпиадасининг бронза медалини қўлга киритган, сўнг Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси сифатида профессионал боксда фаолиятини бошлаган Муроджон Аҳмадалиев (54,88 кг) ўзининг 8-жангини ўтган ҳафта АҚШнинг Майами-Бич шаҳрида WBA (Бутунжаҳон бокс уюшмаси) ва IBF (Халқаро бокс федерацияси) йўналишлари чемпионлиги учун ўтказди ва 42 йиллик жаҳон рекордини такрорлаган ҳолда ўзбек спорти тарихидан икки йўналишда чемпионлик камарига эга чиққан биринчи профессионал боксчи сифатида жой олди.

Ушбу муваффақиятнинг Ўзбекистон спортидаги аҳамиятини Президентимизнинг унга йўллаган табригидан яққол англаб оласиз: **«...Муроджон ўғлим, Сен рингда ўзбек йигитларининг жисмоний, руҳий ва маънавий жиҳатдан баркамоллигини, ҳеч қачон кураги ерга тегмаган буюк аждодларнинг муносиб вориси эканлигини, Ўзбекистон том маънода бокс мамлакатига айланиб бораётганини яна бир бор исботладинг...»; «...юксак мардлик ва матонат билан профессионал бокснинг иккита энг нуфузли (WBA Super ва IBF) йўналишларида шундай буюк ғалабани қўлга киритганинг, жаҳон боксидаги узоқ йиллик рекордни янгилаганинг ҳар қандай таҳсин ва тасанноларга муносибдир...»; «...Эл-юртимизнинг ишончини оқлаб, мустақил Ўзбекистон спорти тарихида мутлақо янги ва ёрқин саҳифа очган ушбу оламшумул зафар соҳиби бўлган Сен каби жасур ва ватанпарвар ўғлонларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз ва чин юракдан олқишлаймиз...»**

Дунё спорт мухлислари эътиборини Ўзбекистонга қаратган ушбу жанг аслида ўтган йилнинг сентябрь ойида ўтказилиши керак эди. Ярим енгил вазн тоифасида WBA ва IBF камари соҳиби америкалик Даниэль Роман жангга 10 кун қолганида «елкадаги жароҳат» боис уни кечиктиришга эришди. Муроджон эса ўшанда колумбиялик Уилнер Сатоуинни 4-раунддаёқ таслим қилиб, «WBA ва IBF камарларининг ҳақиқий даъвогари» сифатида ўзини намоён этганди. Агар Романга қарши жанг ўша вақтда ўтказилганида, дунё матбуоти ҳамюртимиз Муроджон Аҳмадалиевнинг ғалабасини жаҳон рекордини такрорлаш эмас, балки янгилаш сифатида ёритарди. Чунки... америкалик Леон Спинкс 1978 йилнинг 15 февралида ўзининг профессионал боксдаги 8-жангида афсонавий боксчи Муҳаммад Алини мағлуб этган ва иккинчи енгил вазн тоифасида WBC ҳамда WBA камарларини қўлга киритганди. Аҳмадалиев ҳам ўзининг 8-жангида иккита камарни қўлга киритиб, ушбу рекордни такрорлади. Агар Муроджон ўша сентябрь ойидаги 7-жангида Даниэль Романни мағлуб этганида рекордни такрорлаган эмас, балки янгилаган ҳисобланарди.

Таъкидлаш жоиз, профессионал боксдаги илк жангини 2018 йил 10 мартда аргентиналик Давид Пазга қарши бошлаган Муроджон қисқа фурсатда улкан довонни босиб ўтди. У бу йўлда Америка, Аргентина, Мексика каби давлатларнинг кучли боксчиларини енгди. Ярим енгил вазн тоифасида WBA ва IBF йўналишлари чемпиони ҳисобланган Даниэль Романга қарши ўтган ҳафта АҚШнинг Майами-Бич шаҳрида ўтказилган жанг эса ҳамюртимиз учун осон кечмади. Чунки Аҳмадалиев шу кунгача 7 та жанг қилган ва деярли барчасида қисқа муддат ичида рақибини нокаутга учратганди. Шу кунгача 30 та жанг ўтказиб, уларнинг 27 тасида ғалаба қозонган (10 та нокаут), 2 маротаба мағлуб бўлган, битта жангда дурангга эришган Романга қарши жанг эса боксчимиз учун шиддатли ва муросасиз кечиб, 12 раунд давом этди. Жангни ойнаи жаҳон орқали эрталаб кузатган айрим юртдошларимиз ишга кечикиб боришига ҳам тўғри келди, Муроджоннинг оламшумул тарихий ғалабасини эшитгачгина раҳбарлари ҳам бироз юмшашди – бу

ерда ватанпарварлик роль ўйнади.

Жанг якунида ҳакамлар 113:115, 115:113, 115:113 ҳисобларида ҳамюртимизнинг ғалабасини қайд этишди. Шу тариқа, Муроджон Аҳмадалиев ўзбек бокси тарихида икки йўналишда, яъни WBA (Бутунжаҳон бокс уюшмаси) ва IBF (Халқаро бокс федерацияси) чемпиони бўлган илк боксчига айланди. Эслатиб ўтамиз, бунгача боксчиларимиздан Артур Григорян ва Руслан Чагаев чемпионлик камарига эга бўлган, аммо ҳали хеч ким бир йўла икки йўналишда чемпионликка эришмаганди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, жаҳон миқёсида ўзбек спорти шон-шуҳратини янада оширишга қўшган муносиб ҳиссаси, хусусан, АҚШнинг Майами-Бич шаҳрида WBA ва IBF йўналишлари чемпионлиги учун жангда юксак маҳоратини намоён этиб, юртимиз бокс спорти тарихида илк маротаба икки йўналиш ғолиблигини қўлга киритгани ҳамда ёшларимизга ибрат намунасини кўрсатиб, улар онгида миллий ғурур, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини кучайтириш борасидаги катта хизматлари учун Муроджон Аҳмадалиев «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан мукофотланди.

– Ўзбек профессионаллари XXI асрда боксга янги об-ҳаво олиб келяпти. Улар ҳар қандай эъзозга, мақтовга муносиб, – дея эътироф этди «Жаҳон бокси» промоутерлик компанияси президенти Андрей Рябинский Муроджон Аҳмадалиев ва Даниэль Роман ўртасидаги жангдан сўнг журналистларга берган интервьюсида.

Ҳа, бугунги кунда Бектемир Меликўзиев (MVSK), Шоҳжаҳон Эргашев, Қудратулло Абдуқаҳҳоров, Ҳасанбой Дўсматов, Азиз Абдуғофуров, Исроил Мадримов, Фазлиддин Ғойибназаров, Рустам Тўлаганов, Шаҳрам Ғиёсов каби яна бир қатор вакилларимиз дунё профессионал боксининг турли йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этяптики, улар дунё спорт ишқибозларининг ҳам эътиборини қозонмоқда. Ўз навбатида, юртимизда бу боксчилар ўрнини изчил тўлдирувчилар ҳам пайдо бўлмоқда. Хусусан, 1 февраль куни Россиянинг Калининград шаҳрида профессионал бокс оқшоми ташкил этилди. Унда қатнашган 4 нафар вакилимизнинг барчаси рақибларидан устун келди. Рустам Тўлаганов (ғалаба 2 та, дуранг 0, мағлубият 0) польшалик Норберт Даровскийни (23-8-2), Одилжон Аслонов (1-0-0) беларуслик Дмитрий Атрохауни (16-6-0), Улуғбек Мубинов (дебют) босниялик Срдан Говедарисани (7-8-0), Шукуржон Раҳимов (дебют) ЖАР вакили Рипфумело Чиквамбани (6-3-0) мағлуб этди. Тажрибали боксчимиз Шоҳжаҳон Эргашев (17-0-0) эса фаолиятидаги 18-жангини АҚШда мексикалик Адриан Эстреллага қарши ўтказди. 10 раундлик жанг биринчисидаёқ якунланди – 16-марта рақибини нокаутга учратишга муваффақ бўлган «пўлатмушт» боксчимиз кетма-кет 18-ғалабасига эришди.

* * *

3 февраль куни Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида профессионал бокс бўйича WBA ва IBF йўналишлари чемпиони, Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси Муроджон Аҳмадалиевни вазирлик ва идоралар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, унинг ота-онаси ва спорт мухлислари тантанали равишда кутиб олишди. Муроджон чемпионлик камарини баланд кўтарган ҳолда, карнай-сурнай садолари остида она Ватани заминига қадам қўйди. Уни бир зумда гулчамбарлар, ватанпарварлик меҳрига йўғрилган инсонлар қуршади. Жараённи ойнаи жаҳон орқали кузатаётган яна кўплаб юртдошларимиз кўзига севинч ёшлари қалқиди... Баракалла, ота ўғлон!

– Жанг пайтида юртдошларим мени қўллаб-қувватлашаётганини чуқур ҳис қилган ҳолда ғалабага интилдим, – деди Аҳмадалиев журналистларга берган интервьюсида. – Учрашув ҳаками ғалаба қозонганимни эълон қилганида жуда қувондим. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ғалабамни юқори баҳолаб, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирлаганини эшитганимда эса беҳад миннатдор бўлдим ва шу юрт фарзанди эканлигимдан фахрландим, ғурурландим. Бундан кейин ҳам бор куч-ғайратим билан мамлакатимиз спорт шарафини муносиб ғимоя қилишга ҳаракат қиламан.

Шу куни пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида АҚШдан профессионал бокснинг WBA ва IBF йўналишлари бўйича ярим енгил вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритиб қайтган боксчимиз Муроджон Аҳмадалиевни тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А. Абдувоҳидов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, спорт федерациялари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда Муроджон Аҳмадалиевга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони берилди ҳамда давлатимиз раҳбари номидан унга рағбатлантирувчи мукофотлар – Тошкент шаҳридан уч хонали хонадон калити ва «Chevrolet Tracker» автомобили топширилди.

– Ота-она учун энг катта бахт бу... фарзандини соғлом кўриш, роҳатланишидан бахтиёр бўлиш, – деди Муроджоннинг онаси Ойша опа журналистлар билан суҳбатда. – Мураббийларининг маслаҳати ва атрофидагиларининг қўллаб-қувватлаши сабаб ўғлим ғолибликка, катта ютуққа эришди. Давлатимиз раҳбарининг фарзандим меҳнатларини юқори баҳолагани ва унга бўлган ишончи билан фахрланаман.

Расул ЖУМАЕВ, «Vatanparvar»

ДЗЮДО

ОЛИМПИЯ САРИ ОДИМЛАР

Халқаро дзюдо федерациясининг (IJF) жорий йилдаги илк йирик турнири Исроилда ўтказилди. Беш қитъанинг кучли полвонларини жамлаган «Tel Aviv Grand Prix – 2020» мусобақасида юртимиз дзюдочилари, жумладан MVSK (Mudofaa vazirligi sport klubi) аъзолари ҳам қатнашди.

Бу галги Тель-Авив Гран-приси аввалгиларига нисбатан дунёнинг кўпроқ дзюдо мухлислари-ю мутахассислари эътиборини ўзига қаратди. Чунки унда 83 давлатнинг 580 нафарга яқин дзюдочиси иштирок этиб, нафақат ғолиблик, балки «Токио – 2020» Олимпиадасига бериладиган йўлланмалар йўлида муҳим аҳамият касб этувчи қимматли рейтинг очколари учун ҳам кураш олиб боришди. Таъкидлаш жоиз, Тель-Авив Гран-приси ғолиби 700, кумуш медаль соҳиби 490, бронза медаль совриндори 350 рейтинг очкосига эга бўлди, қолаверса 5-ўринни қўлга киритган дзюдочилар ҳисобига 252, 7-ўрин эгалари ҳисобига 182 рейтинг очкоси ёзилди.

Тель-Авив шаҳрига юртимизнинг Илиас Илиадис бош мураббийлигидаги 7 нафари MVSK аъзоси бўлган 13 нафар етакчи дзюдочиси борди, яъни Кемран Нуриллаев (-60 кг), Сардор Нуриллаев (-66 кг, MVSK), Шаҳрам Аҳадов (-66 кг), Ҳикматуллоҳ Тўраев (-73 кг), Шарофиддин Болтабоев (-81 кг), Камолиддин Расулов (-81 кг), Давлат Бобонов (-90 кг, MVSK), Муҳаммадкарим Хуррамов (-100 кг, MVSK), Бекмурод Олтибоев (+100 кг, MVSK), Алишер Юсупов (+100 кг, MVSK), Диёра Келдиёрова (-52 кг, MVSK), Гулноза Матниязова (-70 кг, MVSK) ва Нодира Йўлдошева (-78 кг) Гран-при турнирида қатнашиб, Ватанимиз спорт шарафини ҳимоя қилди.

Жорий йилги илк халқаро турнир олдидан навбатдаги хориж ўқув-машғулот йиғинини дзюдочиларимиз Альп тоғ ён бағрида, яъни Австриянинг Миттерзилль шаҳарчасида ўтказишди. Йиғин Тель-Авив Гран-присига тайёргарлик босқич вазифасини ҳам ўтаб берди. Полвонларимиз Австриядан Тошкентга қайтиб, тез кунда яна йўлга чиқишди – Исроилга боришди.

Тель-Авив Гран-присида баҳсларга биринчи бўлиб MVSK аъзоси Сардор Нуриллаев (-66 кг) киришди. Польшалик Матей Польякка қарши татамига чиққан дзюдочимиз Европа чемпионати совриндорини иппон баҳоси билан мағлуб этди. Сардор иккинчи босқичда доминиканлик Вандер Матеодан устун келди. Ушбу вазн тоифасидаги иккинчи дзюдочимиз Шаҳрам Аҳадов ҳам ғалабага эришди. Баҳсларга тўғридан-тўғри иккинчи даврадан қўшилган Аҳадов болгариялик Божидар Темелковни мағлуб этди. Шунингдек, ҳамюртимиз Кемран Нуриллаев (-60 кг) дастлаб исроиллик Матан Шанини, иккинчи босқичда бразилиялик Фелипе Китадаини, MVSK аъзоси Диёра Келдиёрова (-52 кг) эса австралиялик Тинка Истонни мағлубиятга учратди. Ҳа, дзюдочиларимиз учун бироз омадсиз ҳисобланган Тель-Авив Гран-приси бу гал уларга гўё муваффақиятли бошлангандек эди. Бироқ... совриндор бўлишга бир бахя қолганда Сардор Нуриллаев исроиллик машҳур полвон Баруч Шмайловга, Шаҳрам Аҳадов ҳам мезбонлар вакили Тал Фликерга, Кемран Нуриллаев ва Диёра Келдиёрова эса бельгиялик рақибларига имкониятни бой бериб қўйишди.

Турнирнинг кейинги кунги беллашувларида қатнашган аксарият дзюдочиларимиз учун ҳам баҳслар худди шундай тарзда кечди – кетма-кет рақибларни мағлуб этиш, совриндор бўлиш босқичига етай деганда эса имкониятни бой бериш. Таъкидлаш жоиз, ўтган йилги Тель-Авив Гран-приси полвонларимиз учун ўта омадсиз кечган ва атиги бир нафар дзюдочимиз кучли бешликка кирганди. Бу сафар ўтган йилги кўрсаткичлар бироз яхшиланди – MVSK аъзолари Гулноза Матниязова (-78 кг), Давлат Бобонов (-90 кг) ва Бекмурод Олтибоев (+100 кг) кучли бешликдан жой олиш баробарида «Токио – 2020» Олимпиадаси йўлидаги қимматли 252 очкосини ўз ҳисобларига қўшиб қўйишди. Мусобақа мобайнида Давлат Бобонов польшалик Томаш Шчепаняк ва голландиялик Еспер Сминкни мағлуб этди, финалга чиқиш босқичида туркиялик Микаил Озерлерга, бронза медаль учун баҳсда эса польшалик Пиотр Чучзерага ютқазиб қўйди. Энг оғир вазнли полвонимиз Бекмурод Олтибоев эса аввал голландиялик Жур Спикерсни, сўнг қозоғистонлик Ерасил Кажибаевни иппон эвазига мағлуб этди. MVSK аъзоси чорак финалда австриялик Стефан Хегидан устун келди. Ярим финалда Жанубий Корея терма жамоаси аъзоси Сунгмин Ким қаршилигидан ўта олмаган дзюдочимиз бронза медаль учун беллашувда дзюдо Ватани вакили японияли Юсуке Кумаширога имкониятни бой берди.

Гран-при турнирида Жанубий Корея терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Кореялик дзюдочилар 3 тадан олтин ва кумуш, 2 та бронза, жами 8 та медаль жамғаришди. Японияликлар 2 тадан олтин ва бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, кучли учликка 2 та олтин ва битта бронза медалга эга чиққан мезбонлар – Исроил терма жамоаси якун ясади. Умуман олиб қараганда, Тель-Авив Гран-присида 29 мамлакат делегацияси камида битта бронза медалга сазовор бўлдики, бу XXXII ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун қимматли рейтинг очколари улашувчи мусобақага дунё дзюдочилари ҳамда мураббийлари томонидан катта эътибор қаратилгани ва турнир салоҳияти ҳар доимгидан юқорироқ бўлганлиги, беллашувлар ҳам шунга яраша янада кескин кечганлигидан далолат.

Р. ЭРМУҲАММАД

ШОҲСУПА

(хабарлар)

СПОРТ КУРАШЛАРИ

Рим шаҳридаги халқаро турнирда қатнашган 11 нафар юнон-рум курашчимиздан 4 нафари шоҳсупага кўтарилди – Маҳмуд Бахшиллоев (-67 кг) олтин, Исломжон Баҳромов (-60 кг) кумуш, Феруз Тўхтаев (-60 кг) ҳамда Мўминжон Абдуллаев (-130 кг) бронза медални қўлга киритди ва «Токио – 2020» йўлланмаси учун қимматли рейтинг очколарига эга бўлди. Эркин курашчиларимиз эса Туркиядаги «Yasar Dogu – 2020» халқаро турнирида қатнашишди. Полвонларимиздан Илиас Бекбулатов (-70 кг) олтин, Ғуломжон Абдуллаев (-57 кг) кумуш, Магомед Ибрагимов (-97 кг) ва ўтган йилги жаҳон чемпионатида Олимпиада йўлланмасини қўлга киритган Ҳасанбой Раҳимов (-125 кг) бронза медаль соҳиби бўлди.

КАРАТЭ

«Премьер Лига» халқаро турнирида қатнашиб, ғолиб ёки совриндор бўлиш мақсадида Франция пойтахтига борган 6 нафар каратэчимиздан фақат Барно Мирзаева (-61 кг) ўз вазн тоифаси бўйича баҳслар якунида кучли бешликдан жой олди ва XXXII Олимпиада ўйинлари йўлланмаси йўлида қимматли рейтинг очколарига эга бўлди. У бронза медаль учун кечган баҳсда франциялик рақибасига имкониятни бой берди.

ФУТЗАЛ

Тожикистонда бўлиб ўтган 19 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги Марказий Осиё футбол ассоциацияси (CAFA) чемпионатида терма жамоамиз 2-ўринни эгаллаб, кумуш медални қўлга киритди. Футзалчи қизларимиз Туркманистон (4:1), Қирғизистон (7:4), Афғонистон (3:0), Тожикистон (7:2) терма жамоаларини мағлуб этишди, эронликларга қарши ўйинда эса 1:7 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

БОКС

3 – 14 февраль кунлари Хитойнинг Ухань шаҳрида ўтказилиши лозим бўлган Осиё ва Океания боксчилари учун Токио Олимпиадасига лицензия берувчи мусобақа хавфли коронавирус сабаб бекор қилинди ва у 3 – 11 март кунлари Иорданиянинг Амман шаҳрида ташкил этиладиган бўлди.

ТЕННИС

Таиландда ўтказилган мукофот жамғармаси 25 000 АҚШ долларини ташкил этувчи «Фьючерс» туркумига кирувчи турнирда теннисчимиз Ҳумоюн Султонов муваффақиятли қатнашди. У нимчорак финалда украиналик Владислав Орловдан, чорак финалда Хитой Тайпейи вакили Чун Хсин Тсенгдан устун келди. Ярим финалда мисрлик Карим-Муҳаммад Маамунни 6:1, 6:2 ҳисобида мағлуб этган теннисчимиз бош соврин учун кечган баҳсда хорватиялик Матия Пекотичга 1:6, 6:3, 2:6 ҳисобида имкониятни бой берди. Ушбу мусобақанинг аёллар ўртасидаги баҳсларида қатнашган ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова эса японияли Эрика Сэмани 6:3, 6:1, хитойлик Ю Сяодини 7:6, 6:1 ҳисобида енгиб, чорак финалда франциялик Хлоя Пакега ютқазиб (1:6, 4:6) қўйди.

* * *

Ўзбекистон теннис федерациясининг Бош котиби Ирода Тўлаганова Осиё теннис федерациясининг (ОТФ) вице-президенти этиб сайланди. 2019 йил Осиё теннис федерацияси директорлар кенгашига аъзо бўлган Тўлаганованинг самарали фаолияти уни халқаро ташкилотнинг нуфузли лавозимига сайланишига замин яратди.

ИСЛОҲОТ

ҲАРБИЙ-ТИББИЙ ТАЪМИНОТ: РИВОЖЛАНИШ РЕЖАСИ АМАЛДА

2018 йилнинг 28 июль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий клиник госпиталда бўлди ва ушбу муассасани истиқболли ривожлантириш режаси ҳамда янгидан қурилиши режалаштирилаётган жарроҳлик корпуси лойиҳалари билан танишди. Шифохона ҳудудини оптималлаштириш, биноларни реконструкция қилиш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, хорижий клиникалар, жумладан, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия каби тиббиёти ривожланган давлатлардан мутахассислар жалб этиш бўйича топшириқлар берди.



Бугунги кунда Марказий ҳарбий клиник госпиталь чуқурлаштирилган тиббий текширув ўтказиш ва даволаш имконини берадиган энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда.

– Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, нафақадаги ҳарбий хизматчиларнинг тиббий таъминотини яхшилаш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, госпиталда ички касалликлар бўлими бутунлай таъмирдан чиқарилди, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, – дейди Марказий ҳарбий клиник госпиталь бошлиғи тиббий хизмат полковниги Худойқул Раҳимқулов. – Бундан ташқари, шикаст жарроҳлик бўлими ва юқумли касалликларга мўлжалланган биноларда ҳам капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, фойдаланишга топширилди. Буларнинг ҳаммаси ҳарбий хизматчиларга ва стационар шароитда даволанувчи беморларга замонавий шарт-шароитлар яратиш ва вақтида керакли тиббий муолажаларни ўтказиш учун.

– Мени буйрак касаллиги безовта қиларди. Госпиталга мурожаат қилганимда, буйрагимда тош борлиги аниқланди. Замонавий аппарат ёрдамида ҳеч қандай жарроҳлик йўлисиз буйрагимдаги тошни олиб ташлашди. Бундан жуда хурсандман, – дейди шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Зоҳиджон Худойназаров. – Бу ердаги шарт-шароитлар кўнгилдагидек. Ётоқхоналар шинам ва ёруғ. Овқатланиш аутсорсинг тизимига ўтганлиги боис ҳар куни сифатли таомлар тановул қиляпмиз. Шифокорларга катта раҳмат. Ҳозирда соғлиғим анча тикланди. Тез кунда яна юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизматимни давом эттираман.

– Урология бўлимига яқинда литотриптор аппарати олиб келинди. Бу ҳозирги кунда энг замонавий ва самарали ускуналардан ҳисобланади. Бунда бир вақтнинг ўзида бир нечта амалиётни бажариш имкони мавжуд, – дейди тиббий хизмат майори Жамолиддин Нафасов. – Олдинлари буйрак ёки сийдик найларидаги тошларни жарроҳлик йўли билан олардик. Ҳозирги кунда бу ускунамизда ультратовуш тўлқини асосида танадаги тошлар парчаланади.

Госпиталда ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг малакали шифокорлар ёрдамида даволаниб, тезроқ сафга қайтишлари учун барча шароитлар яратилмоқда.

Капитан Шунқор БЎРИЕВ

Давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар кўп ёки қарийб 1,5 триллион сўм ажратилади. 281 та тиббиёт муассасасини қуриш ва таъмирлашга бюджетдан 1,1 триллион сўм сарфланади.

(Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан)

ЖАҲОНДА

«АСР КЕЛИШУВИ»ГА ҚАРШИ

Араб давлатлари лигаси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) АҚШнинг Яқин Шарқдаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича Трамп томонидан «аср келишуви» деб аталган режа қабул қилинмаслигини маълум қилди. Бу ҳақда ИҲТ баёнотига таяниб «Ал-Жазира» телеканали хабар берди.

Баёнотда «ИҲТга аъзо барча давлатларни бу режага алоқадор бўлмаслик ҳамда ушбу режанинг қандай шаклда бўлмасин, амалга ошиши учун АҚШ маъмурияти билан ҳамкорлик қилмаслик»ка чақирилган.

ТУРКИЯ ЖАВОБ ҚАЙТАРДИ

Сурия шимоли-шарқидаги Идлиб вилояти ҳудудида Сурия ҳукумат кучлари томонидан амалга оширилган ҳужум оқибатида тўрт нафар туркиялик ҳарбий ҳалок бўлди ва тўққиз киши жароҳатланди. Туркия ҳукуматининг баёнотига кўра, жавоб зарбаси билан 35 нафар суриялик аскар ўлдирилган. Туркия Президенти Р. Эрдўған ўз мамлакати туркиялик аскарлар ўлими учун жавоб чоралари қўллашда давом этишини маълум қилди. Туркиянинг Адолат ва тараққиёт партияси вакили Умар Челик эндиликда Сурия ҳарбийлари Туркия учун қонуний нишонга айланганини билдирди.

ЭРОНГА ВАКИЛ БОРАДИ

Европа иттифоқининг хорижий ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Жозеп Боррель ядровий келишув ва Яқин Шарқдаги кескинликни юмшатиш бўйича музокаралар ўтказиш учун Эронга боради. 2018 йил 8 майда АҚШ ядровий келишувдан бир томонлама тартибда чиқиб кетди ва Теҳронга нисбатан санкциялар жорий этди. 14 январда Германия, Франция ва Буюк Британия ташқи ишлар вазирлари ядровий келишувни амалга ошириш доирасидаги келишмовчиликларни бартараф қилиш механизми ишга туширилганини маълум қилди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

СПОРТ – СОҒЛИК ГАРОВИ

ЭНГ КУЧЛИ ВОЛЕЙБОЛ ЖАМОАСИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги таркибидаги ҳарбий округлар, олий ҳарбий таълим муассасалари ва ҳарбий қўшилмалар жамоалари ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти спорт залида бўлиб ўтган тантанали очилиш маросими байрам шодиёнасига айланиб кетди.

Очилиш маросимида вилоятдаги ёш каратэчиларнинг кўргазмали чиқишлари, мусиқа мактаби тарбияланувчилари томонидан тайёрланган куй-қўшиқ ва рақслар мусобақа олдидан иштирокчиларда кўтаринки кайфият уйғотди. Шундан сўнг жамоалар биринчилик учун майдонга тушишди.

Муросасиз баҳсларда ҳар бир жамоа юқори тайёргарликка эга экани яққол намоён бўлди. Икки жамоа майдонида ҳавода гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа учиб юрган копток мусобақанинг шиддатини кўрсатиб турарди. Ана шундай қизиқарли ва шиддатли баҳслардан сўнг Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ жамоаси ва Тошкент ҳарбий округи жамоаси финалда биринчилик учун ўзаро кураш олиб борди.

Ҳаяжонли лаҳзаларга бой ўтган шиддатли ўйинда Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ жамоаси кичик устунлик билан ғалабани қўлга киритиб, кубокни бошларидан баланд кўтаришди. Баҳслар якунига кўра, Марказий ҳарбий округ учинчи ўрин медалларини кўкракка илишди.

Тақдирлаш маросими концерт дастурига уланиб кетди.

Исломжон НОРМАМАТОВ

«АКАДЕМИЯДА БИР КУН»

Муаллиф суратга олган

Мудофаа вазирлиги ва Яккасарой тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумтаълим мактаблари билан Қуролли Кучлар академиясида «Академияда бир кун» лойиҳаси ўтказилди.

Ўндан ортиқ мактаблардан саралаб олинган ўқувчиларни майор Холмуҳаммад Жўрабоев кутиб олди. Улар академия музейи, ахборот-ресурс маркази, спорт заллари билан танишиш мобайнида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Энг қизиқарли жараён курсантлар учун яратилган шароит ва ўқув жараёнлари билан танишиш бўлди.

– Ўқувчиларнинг ҳар бир нарсага эътибор ва қизиқиш билан қараётганини кўриб ҳавас қилади киши. Яратилган шароитлар шарафли касбни эгаллашга бўлган иштиёқни оширди. Бу каби тадбирлар бардавом бўлса ўқувчиларнинг мактаб пайтидаёқ ҳарбий соҳадаги билимлари ортиб боради, – дейди Оила илмий-амалий маркази Яккасарой тумани мутахассиси Ҳабиба Исмоилова.

Малакали мураббийлар мавзуларга кўра белгиланган хоналарда савол-жавоб ва баҳс-мунозара ўтказишди. Академияда бир кун ўқувчилар учун мазмунли ҳамда янги билимларга бой бўлди.

Гулсора НИШОНОВА, ўқитувчи

МИНТАҚАДА

ЭНГ КАТТА МАСЖИД

Душанбе шаҳрида қурилган Марказий Осиёдаги энг катта масжид март ойида очилиши режалаштирилмоқда, деб хабар берди «Авеста» агентлиги. Масжид ҳудудида бир вақтнинг ўзида 120 мингга яқин киши намоз ўқиши мумкин бўлади. Қурилиш ишлари 2009 йил октябрда бошланган. Лойиҳа Тожикистон ва Қатар мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган, Қатар ҳукумати томонидан молиялаштирилган. Масжид ҳар бирининг баландлиги 75 метр бўлган тўртта минора, 47 метрли асосий гумбаз ва яна 20 та катта-кичик гумбазлардан иборат. Лойиҳа қарийб 100 млн доллар деб баҳоланмоқда.

ФУҚАРОЛАРИНИ ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛДИ

Қирғизистон янги коронавирус тарқалиши ўчоғи ҳисобланган Ухань шаҳридан 18 фуқаросини эвакуация қилди. Бу ҳақда республиканинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати маълум қилди. Ухандаги қирғизистонликлар 2 февралда Қозоғистон кўмагида дастлаб Нур-Султонга келтирилган, у ердан эса махсус самолётда Бишкекка етказилган. Таъкидланишича, барча келтирилганлар аэропортда тегишли текширувдан ўтказилиб, Бишкек ташқарисида жойлашган шифохонанинг юқумли касалликлар бўлимига карантинга жойлаштирилган.

ЖИНОЯТЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Қозоғистонда одамлар гавжум жойларда террорчилик ҳужумларини уюштиришга тайёргарлик кўришда гумон қилинган беш киши қўлга олинди.

Гумонланувчилар жорий йилнинг 27 январь куни Қарағанда ва Тараз шаҳрида қўлга олинган ва уларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган. Бу ҳақда Қозоғистон Миллий хавфсизлик қўмитаси хабар бермоқда.

Қайд этилишича, барча қўлга олинганлар оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун муқаддам судланган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

BOLAJON

HASADNING JAZOSI

Qadim zamonda bir shoh bo'lib, uning Mahbud ismli vaziri bor edi. Shoh vazirni o'ziga g'oyat yaqin tutar va unga ishonardi. Hatto shoh yeydigan taom ham vazirning uyida pishirilardi. Ammo shohning lashkarboshisi bilan vazir Mahbud adovatda edilar. Lashkarboshi qanday bo'lmasin vazirdan qasos olish yo'lini izlardi. Nogoh lashkarboshi ko'chada o'zining eski oshnalaridan bir yovuz niyatli kishini uchratib qoldi. Uni o'z uyiga olib kelib, ziyofat qildi. Ziyofat so'ngida vazirdan shikoyat qilib: «Biror chora, tadbir bormikin, men ham o'z dushmanimdan o'ch olsam?» deb dardiga malham so'radi.

«Shohning oldiga ovqat olib borishdan avvalroq menga xabar qil. Men ovqatga afsun o'qib, sehr qilay, toki taom zahri qotilga aylansin. Ana shundan so'ng sening maqsading ro'yobga chiqadi», deb javob berdi yovuz niyatli kishi.

Ertasi kuni vazir Mahbudning uyida shoh uchun guruchli ovqat pishirildi va taomni vazirning o'g'li saroyga olib ketdi. Yo'lda lashkarboshi bilan yovuz niyatli kishi turardilar. Lashkarboshi Mahbudning o'g'liga qarab: «Qani, taomning yuzini ochgin, ko'raylik-chi, bugun shahanshohga qanday taom tayyorladinglar ekan?» dedi. O'g'il yoshlik qilib, taomni ko'rsatdi. Yovuz bir narsalarni o'qib, taomga kuf-suf deyish barobarida, sezdirmaygina zahar qo'shdi.

Shundan so'ng taomni shohning oldiga keltirdilar. Izma-iz yetib kelgan lashkarboshi shohga: «Jonimni so'rasangiz beraman, ammo taomdan tanovul qildirmayman», dedi. Shoh vaziri Mahbud va o'g'liga taomdan tanovul qilishni buyurdi. Ular taomdan bir-ikki luqma yeyishlari bilan yerga yiqildilar va jon taslim qildilar. Shundan so'ng shohning lashkarboshiga e'timodi kuchaydi.

Oradan kunlar o'tdi. Kunlardan bir kun shohning huzurida o'tirgan saroy a'yonlari sehr va afsun haqida rivoyatlar aytar edilar. Har kim o'zicha sehrning ta'siri haqida mubolag'a bilan so'zlar edi. Ba'zilari: «Sehr bekorchi gap, aslida bo'lmagan narsa, yaxshilikning ham, yomonlikning ham vujudga kelishi sehr va afsundan emas», derdilar.

Shunda lashkarboshi o'rnidan qo'zg'alib qo'yib: «Sehr va afsun bag'oyat kuchli narsa, buni hech kim inkor qilolmaydi. Men o'z ko'zim bilan ko'rdim, bir kishi taomga afsun o'qidi, taom darhol zaharga aylandi. Kimki shu taomdan yedi, o'sha zamoni o'ldi», dedi.

Shoh lashkarboshidan bu so'zni eshitgach, aql tarozisi bilan o'lchab bildiki, Mahbudning o'limi sehrga hasadning qo'shilishidan ekan. Darhol lashkarboshini tuttirib, qiynoqqa soldi. Nihoyat lashkarboshi o'z aybini bo'yniga oldi.

Qissadan hissa shuki, yolg'on va hasadgo'ylik hech qachon jazosiz qolmaydi.

«Hikmatli rivoyatlar» kitobidan olindi.

HIKMATLI SO'ZLAR



Matematika sayyorasi

Sahifani M. MAHKAMOVA tayyorladi.

МУДОФААГА ҚЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ – МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сурхондарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Шеробод тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси томонидан кўплаб хайрли ишлар бажарилмоқда.

Чунончи, ҳарбий-ватанпарварлик ғояларини тарғиб этиш, оммавий касб мутахассисларини тайёрлаш ҳамда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасидаги ютуқлар шулар сирасидандир.

– Бугунги кунда ўқув-спорт техника клубимиз томонидан Шеробод тумани мудофаа ишлари ва халқ таълими бўлими, шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, маънавият ва тарғибот марказларининг туман бўлимлари билан ҳамкорликда ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи узлуксиз олиб бориляпти, – дейди ЎСТК бошлиғи Искандар Қурбонов. – Бу борада Президентимизнинг «Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Жумладан, қарор ижросини таъминлаш мақсадида чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш, маънан етук ва жисмонан соғлом шахсларни камол топтириш мақсадида ёшларга спортнинг техник ва амалий турлари билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, клубда фаолият юритаётган ҳаво милтиғидан ўқ отиш, ракетамодель тўгараклари фаолияти замон талаблари асосида ташкил этилган. Секцияларда айни пайтда ўттиз нафарга яқин ёшлар мунтазам шуғулланади. Ўз навбатида туман ёшлари вилоят миқёсида ўтказилаётган спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Шеробод тумани ўқув-спорт техника клуби ўтган йилда ҳайдовчилар тайёрлаш борасида ҳам муайян натижаларга эришган. Яъни 650 нафар «В», «ВС» тоифали мутахассислар тайёрланиб, бу борадаги белгиланган режа бажарилишига эришилди. Тингловчилар автотранспорт воситаларининг тузилиши ва улардан фойдаланиш кўникмаларини пухта эгаллаб олишлари учун замонавий ўқув-машғулот хоналари мавжуд. Холли Пардаев, Тоши Амиров, Зокир Шопўлатов сингари ўқитувчилар ҳамда Баҳром Ортиқов, Музаффар Турдимуродов, Бозор Хўжақулов сингари амалий машғулот усталарининг меҳнатлари ҳам муваффақиятлар омили бўлмоқда. Шунингдек, замонавий ўқув автомобиллари ва бутун ўқув жараёнини ўз ичига олган анимация эффектлари, компьютерлар жамланмаси ташкилотда малакали ва амалдаги йўл ҳаракати қоидаларига доимо риоя қиладиган тартибли ҳайдовчилар тайёрлаш имконини бермоқда.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ

Шеробод тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси туманда истиқомат қилаётган барча ёшларни «В», «ВС» тоифали ҳайдовчилик курсларида ўқишга ҳамда спортнинг техник ва амалий турларидан, ҳаво милтиғидан ўқ отиш ва ракетамодель секция ва тўгаракларида шуғулланишга таклиф этади.

Манзилимиз:

Шеробод тумани Ғамбур маҳалласи, Тўра Хўжамуродов кўчаси 30-уй.

Мурожаат учун телефонлар: 94-261-24-10; 94-460-74-10.

РАҒБАТ

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Қуролли Кучлар давлат музейида мамлакатимиз Қуролли Кучларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчи ва фуқаролар «Маънавий-маърифий ишлар аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Муаллиф суратга олган

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 4 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг «Маънавий-маърифий ишлар аълочиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги қарори бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Кўкрак нишонини ўз эгаларига тантанали топшириш маросимида Мудофаа вазирлиги бош бошқарма бошлиғи полковник Акмал Ортиқов, мудофаа вазирининг матбуот котиби – ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси подполковник Баҳром Зулфиқоров тақдирланганларни самимий мубораклаб этди. Ўз навбатида, тақдирланганлар ҳам давлатимиз раҳбари томонидан Мудофаа вазирлиги олдига ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш борасида қўйилган масъулиятли вазифаларни чин дилдан, тўла-тўкис адо этишга баҳоли қудрат камарбаста бўлишини таъкидлади.

– Менинг отам Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, – дейди Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова. – Бугунги кун болалари жанг-жадал кўрмасин, уруш бўлмасин. Ҳарбийлар бор экан, биз хотиржамиз, юртимиз тинчлиги ишончли ҳимояда. Бугунги мукофот ҳарбий қисм ва муассасалардаги суҳбатлар орқали ҳарбий хизматчилар билан бирга оила аъзоларининг ҳам маънавий-маърифий савиясини юксалтиришдаги масъулиятимизни оширади. Зотан:

Насиҳату дуо қилса кексалар,
Ёшлар юртга жонин
фидо қилсалар.
Ватан десин ҳар бир юрак –
Ватан деган диллар керак!

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

ҲАРБИЙЛАР «IT-PARK»ДА

Пойтахтимиздаги «IT-Park» мажмуасида Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги томонидан «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» тадбири ўтказилди.

Муаллиф суратга олган

Унда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, талаба ёшлар қатнашди.

– Тошкент шаҳрида «IT-Park» очилгани ҳақида янгиликлардан эшитгандим, – дейди оддий аскар Қурбонали Акрамов. – Аммо бу ер тасаввур қилганимдан-да бошқача экан. Экскурсия давомида мамлакатимизда стартапларни ривожлантиришга қаратилган экомуҳит инфратузилма билан танишдим. Янги ахборот технологиялари ҳақида батафсил маълумотлар олдим. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг замонавий дастурлаш тилларини билиши мени ҳайратда қолдирди.

Тадбир давомида мажмуа ходимлари ва талаба ёшларга Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар қўйиб берилди. Шунингдек, ташкилотчилар томонидан иштирокчиларга тарғибот материаллари тарқатилди.

Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси

БИР ЧИМДИМ

Разолат тўғнизга ўхшайди: тўсса кетма-кет, эгиз-эгиз тўгаверади. Эзгулик – минг-мингдик сўрувда камёб туғиладиган антиқа тернли кўзичоқ.

Ал-ХОРАЗМИЙ

b-havo

Kun	Harorat	Tavsif
Juma 7 fevral	+16 °C / +1 °C	joylarda bulutli / bulutli
Shanba 8 fevral	+20 °C / +6 °C	ochiq havo / ochiq havo
Yakshanba 9 fevral	+17 °C / +7 °C	yomg'ir / bulutli
Dushanba 10 fevral	+15 °C / +3 °C	yomg'ir / bulutli
Seshanba 11 fevral	+8 °C / -2 °C	yomg'ir / bulutli
Chorshanba 12 fevral	+10 °C / -0 °C	yomg'ir / bulutli
Payshanba 13 fevral	+11 °C / +1 °C	bulutli / bulutli

OBHAVO.UZ

КЕЛГУСИ СОНДА:

Биологик фаол қўшимчалар: фойда ёки зарар?

VATANPARVAR

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи:
подполковник Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ
Навбатчи:
Исломжон ҚЎЧҚОРОВ
Саҳифаловчилар:
Рамиз ВАЛИЕВ
Роберт ИСЛАКАЕВ
Мусаҳҳиҳлар:
Зебо САРИЕВА
Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА
Муҳаррам КАМОЛОВА

Телефонлар:
71-260-36-50
Факс: 71-260-32-29.
ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Буюртма: г-262
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 37 637 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.